

Қ. МУНИРОВ

ОҒАХИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қ. МУНИРОВ

# ОГАҲИЙ

*Илмий ва адабий фаолияти*

ЎзССР-ММ—МП-УзССР

Андижон шаҳар  
ЛУНАЧАРСКИЙ КОМЛК  
№ 34 ўрта  
УМУМ ТАЪЛИМИ МЕХНАТ  
ПОЛИТЕХНИКА МАКТАБИ

СРЕДНЯЯ  
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ  
ТРУДОВАЯ  
политехническая школа

№ 34  
имени ЛУНАЧАРСКОГО  
города Андижана

\_\_\_\_\_ 197 г.  
№ \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1959

Масъул муҳаррир  
Ўзбекистон ССР ФА корреспондент аъзоси,  
проф. Я. Ф. Фуломов.

#### ОҒАҲИЙНИНГ ЯШАГАН ДАВРИ ВА ҲАЕТИ

Хоразм қадим маданият ўчоқларидан биридир. У Урта Осиёда энг қадимги ўлкалардан бири бўлибгина қолмай, катта маданият марказларидан бири бўлган.

Проф. С. П. Толстов ва проф. Я. Ф. Фуломов узоқ вақт археологик текширишлар олиб бориш натижасида, Хоразм қадим вақтларда бой маданиятга эга эканлигини етарли даражада далиллар билан исботладилар.

«Хоразмда деҳқончиликнинг юқори маданияти жуда қадим замонларда сунъий суғориш асосида вужудга келган ва худди Миср, Месопотамия ҳамда Шарқнинг бошқа мамлакатларидек тараққий этган»<sup>1</sup>. Бу мавжуд юксак маданият ўз вақтида фаннинг тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди. Бу ердан фаннинг буюк симолари Абу Абдулло ал-Хоразмий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Маъмун академиясини бошқарган машҳур энциклопедист олим Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний, Замхашарий каби олимлар, шоирлар, тарихчилар, адиблар етишиб чиққан эди.

Юқорида зикр этилган олимлар фаннинг кўп соҳалари устида ажойиб илмий асарлар ижод этганлар. Уларнинг ижодлари кўп фанларнинг тараққиётига асос солгандир. Буларни ўрганиш соҳасида олимларимиз томонидан анчагина илмий асарлар яратилган бўлса-да, лекин бу олимларнинг илмий меросини ҳали ҳар тарафлама ўрганилган эмас. Буюк олимлар плеядасини етиштириб берган, юксак маданиятга эга бўлган Хоразмда XIX асрда буюк тарихчи, шоир, олим, таржимон ва давлат арбоби Эрнӣёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо, адабий тахаллуси Огаҳий, етишиб чиқди.

XIX асрда ижод этган атоқли ўзбек тарихчиси, шоири, олими ва таржимони бўлган Огаҳийнинг ҳаёти, ижо-

<sup>1</sup> Я. Ф. Фуломов Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, 1959. 7-бет.

ди мақсулдор илмий мероси ҳалягача тарихчиларимиз ва адабиётчиларимиз томонидан етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Огаҳий ўз замонасининг талантли тарихчиси, кўзга кўринган шоир ва моҳир таржимонидир.

Огаҳий томонидан ёзилган ва ижод этилган тарихий асарларнинг ва бошқа ҳар хил тиллардан ўзбек тилига қилинган таржималарнинг Урта Осиё, шунингдек, Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда ва ёритишда аҳамияти катта.

Огаҳий бир қанча тарихий ва адабий асарлар ёзиб, тарих фани хазинасини ва ўзбек адабиётини янги асарлар билан бойитди, ривожлантирди ва унга салмоқли ҳисса қўшди.

Унинг ўз замонасининг тарихчиси, шоир ва таржимони сифатида қилган хизматлари диққатга сазовордир.

Огаҳий тарихчи сифатида Урта Осиё ва шунингдек Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда бой маълумот берувчи бярнеча тарихий асарлар ижод этди.

Шоир сифатида — юксак бадий маҳорат билан мукаммал девон тартиб берди.

Таржимон сифатида — кўпгина шарқ тарихчиларининг ва адибларининг тарихий ва адабий асарларини ҳар хил тиллардан ўзбек тилига таржима қилди.

Огаҳийнинг адабий фаолияти ва мероси ҳақида баъзи материалларга эга бўлсак ҳам, айни вақтда унинг тарихий асарлари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Академик Ғафур Ғуллом Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIII съездида сўзга чиқиб, кўпгина шоир ва тарихшуносларимизнинг ҳаёти, ижоди ва улардан қолган илмий меросни ўрганилмаётганлигини таъкидлаб бундай деган эди: «Мамлакатимизнинг бошқа халқлари каби, ўзбек халқи ҳам ўзининг асарлар домида яратилган бой, ўзига хос маданиятига эга. Бу ерда фан, адабиёт ва санъатнинг қатор улур арбоблари етишиб чиққанлар.

Совет ҳукумати даврида уларнинг адабий меросини ўрганиш соҳасида катта ишлар қилинди. Бу муҳим принципиал аҳамиятга эгадир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда ҳеч қандай асоссиз Лутфий, Отойи, Саккокий, Бобир, Машраб, Турдий, Огаҳийларнинг ижоди ўрганилмаётир. Биз фақат Навоий, Муқимий, Фурқат Завқий, Аваз каби

буюк шоирларнинг ижодини ўрганиш билан чекланиб қолганмиз». Бизнинг бу ишимизда олдимизга қўйган мақсадимиз, аввало, Огаҳийнинг адабий фаолиятини ўрганишда адабиётчиларимизга, бир оз бўлса ҳам, ёрдам бериш ва шоирнинг ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ ўрганиш ишига ўз ҳиссамизни қўшиш умиди бўлса, асосан унинг томонидан ижод этилган қатор қимматли тарихий асарлар ва тарихий асарлардан қилган таржималари ҳақида тўлароқ маълумот беришга қаратилган.

Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди билан танишишдан илгарии унинг яшаган даври, яъни XIX аср Хива хонлигидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволга қисқача тўхтаб ўтамиз. Чингиз истилоси даврида Хоразмда яратилган юксак маданият ер билан яқсон қилиб ташланган эди. Бу аҳвол Хоразмда бир марказлашган давлат тузилгунча узоқ вақт давом этди. Хоразм гоҳ у, гоҳ бу давлат ихтиёрига (Темур, Абдуллахон, Нодиршоҳ ва бошқалар) ўтиб турди. Хива хонлиги Абдулғозихон (1643—1663) ва унинг ўғли Анушоҳ (1663 — 1686) даврида бир оз жонланган бўлса, лекин XVIII аср ўрталарига келиб ўз бошидан чуқур сиёсий кризисни кечираётган бир давр эди. Бу сиёсий кризис қабилалар орасидаги, хонлар билан феодаллар, кўчманчилар билан ўтроқ халқ ўртасидаги қурашлар ва шунингдек ташқи душманлар билан бўлган қурашлар натижасида келиб чиққан эди.

Бу аҳвол шу давр Хоразм иқтисодий аҳволига ўз таъсирини кўрсатди. XVIII аср ўрталарида Хоразмда яшовчи халқларнинг қандай оғир иқтисодий аҳволида яшаганлигини Хоразм тарихчиси Мунис қуйидагича баён этади: «Андин сўнг маонидлар Ҳазорасп, Хонқоҳ ва Аролдин ўзга жамиъ мамолики Хоразмга истило топиб, фуқаро ва раёнинг анфос ва амволида ихтиёр қолмади. Ёвмутнинг зулм ва тааддиси ҳаддин ўтиб, қалъа-қалъага рафт омад қилолмадилар. Бу жиҳатдин Хоразм дийрида қаҳат ва ғило шойиъ бўлди. Тоун ва вабо воқийъ. Аксари маориф ва машоҳир, балки фуқаро ва раё маҳалла-маҳалла ва қабила-қабила жило ихтиёр қилиб... атроф ва ақтори оламға мунташир бўлдилар. Хусусан Бухоро жонибига мусофират кўргизиб жуъ (очлик) балосидин қутилдилар. Қочмоққа қудрати етмаган халқ авлодин қозоқ ва қорақалпоққа сотиб нафақа қилдилар. Ёвмут дағи ўғирлаб сота бошлади. Аксар қулоъ (қалъа)

ва билод (шаҳар) хароб бўлиб, кентлар ва мазраалар пеша, чапгалистон ва кулот ерлар найнстон бўлди. Хевақнинг олий иморатлари мунҳадим бўлиб, ўрнига сўксўк ва юлгун кўкорди... Анингдек обод шаҳрда 40 уйлик райят қолди... Маонидлар шаҳарнинг атрофида мутамакки эрди. Қаҳат ул ғоят истило топдиким... ит ва эшак гўшти халойиқга ҳалол бўлди. Баъзи ерда одамни ҳам ебдурлар»<sup>2</sup>.

Хоразмда яшовчи халқлар қаҳатчилик ва очлик балосидан қутилиш мақсадида, ҳаёт учун бир оз қулай шароит ахтариб Бухоро тарафига хотин, бола-чақалари билан қочинга мажбур бўлдилар.

Вақтинча Хоразмдан воз кечишга мажбур бўлган Муҳаммад Амин иноқ яна Хоразмга қайтиб келган эди.

Мамлакат тушкунликка қараб бораётган ва тўхтовсиз қонли феодал курашлар давом этаётган шундай бир даврда Қўнғирот сулоласидан Эшмуҳаммадбийнинг ўғли Муҳаммад Амин давлатни қўлга олишга киришди.

«Уни шаҳар ва қишлоқ зодагонлари қўллаб-қувватлайдилар. Муҳаммад Амин иноқ туркман сардорлари—ҳокимлик қилиш учун ўзаро кураш даврида мамлакатда сиёсий ҳукмронликни ўз қўлига олган туркман феодалларига қарши, шунингдек Бухоро иғвоси таъсирида бўлган Арал манғитларига қарши кураш олиб борди. Ўзаро тахт учун бўлган барча курашлар оқибатида мамлакат очарчилик ва зулм остида қолди. Шаҳарлар айниқса тушкунликка юз тутди. Оғир аҳволда қолган шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолонга йирик ер эгалари қўллаб-қувватлаган шаҳар зодагонлари /ҳўжалар/ бошчилик қилдилар. Йирик ер эгалари ҳокимиятни марказлаштириш тарафдори бўлиб, уларнинг манфаатига иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиб кетиши туфайли зарар етказилган эди. Қўнғиротликлар бу курашда ҳам ўзларининг бошлиғи сифатида Муҳаммад Амин иноқни илгари сурдилар ва унга ҳақиқий ёрдам бердилар»<sup>3</sup>.

Давлатни қўлга олишда ва ўз ҳукмронлигини тиклашда Муҳаммад Амин иноқ амирларга, катта ер эгаларига, савдогарларга, руҳонийларга суянганлиги «Му-

ҳаммад Амин иноқ... вақтни ганимат билиб аксари умаро /амирлар/ била Евмут мухалифатида муттафиқ бўлиб, қалъадорлик умрига иштиғол кўргуздилар; «Муҳаммад Аминбек Хўжақули иноқни хон кўринишида тутиб ўлдирди. Иброҳим иноқни Муҳаммад Амин иноқ қатлга еткурди. Бу воқеа қўй йили санаи 1175/1761 — 1762 шавволда... вуқуъ топди. Ҳам ул кун жума намозидан буруп Муҳаммад Амин иноқни Иброҳим иноқга қонм мақом этдилар. Муҳаммад Амин иноқ ул фурсатда 32 ёшда эрди. Оғози давлати ва ибтидои аморати ул кундан-дир», деб Мунис томонидан «Фирдавс-ул-иқбол» асарида ёзиб қолдирилган маълумотлардан аниқ кўришиб турибди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Амин иноқ Хоразмда ҳукмронлик қилган Қўнғирот сулоласига асос солди.

У хон авлодидан бўлмаса ҳам, ҳамма ихтиёр унинг қўлида бўлиб, мамлакат ишини сохта хонлар номидан бошқарар эди. Сохта бўлса ҳам, хоннинг бўлиши керак эди. Чунки халқнинг ичида хоннинг тарафдорлари кўп эди. Унинг ўғли Аваз иноқ /1790—1804/ ҳам отасининг ишини давом этдирди.

Лекин Аваз иноқнинг ўғли Элтузархон /1804—1806/ сохта Абулғози V ни тахтдан тушириб, ўзи хон бўлади. Бухоро билан бўлган урушда Элтузархон сувга чўкиб, халокатга учрагандан сўнг, Хива тахтига мазкур сулоланинг кўзга кўринган намояндаларидан бири Элтузархоннинг укаси Муҳаммад Раҳимхон /1806—1825/ келди.

Муҳаммад Раҳимхон ўз мавқени мустаҳкамлаш мақсадида, вақтинча бўлса ҳам, эски хон авлодидан бўлган Абулғози V ни яна давлат тепасига олиб келди. Лекин бир оз вақт ўтмай, ўз позициясини мустаҳкамлаган Муҳаммад Раҳимхон уни давлат тепасидан четлатди ва ўзи хонлик тахтига ўтирди. Муҳаммад Раҳимхон бобоси Муҳаммад Амин иноқ даврида бошланган Хива хонлиги территориясини кенгайтириш ва у ерда яшовчи қабиаларни бирлаштириш ишини қаттиққўллик билан давом этдирди.

«Муҳаммад Раҳимхон хонлигининг ичида бир қатор тартиблар ўрнатди. Олий кенгаш тузди. Ўз қарорларида у кенгашнинг фикрига асосланишга ҳаракат қилди. Солиқлар ислоҳотини ўтказди. Уздуксиз солиқ солиш йўли билан даромадни кўпайтирди. Бождоналар ва зарб-

<sup>2</sup> Мунис ва Огаҳий, Фирдавс-ул-иқбол, УзССР Фанлар академияси Шарқишунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 5364/1, варақ: 50 а+б.

<sup>3</sup> Я. Ғ. Ғулломов, Хоразмнинг сугорилиш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, 1959, 216-бет.

хоналар қурди. Эҳтимол, тилло ва кумуш пулларни биринчи бўлиб, босирган бўлса керак».

Муҳаммад Раҳимхон феодал тарқоқлигига ва ўзбошимчилигига қарши курашиб, майда феодалларни ўзига бўйсундира бошлади. Узоқ вақт қаттиқ курашдан сўнг 1811 йили Арolni бўйсундиришга муваффақ бўлди. Тўра Мурад сўфи ўлдирилди. У ердаги 20.000 оила яшани мумкин бўлган қалъа ер билан яқсон қилиб ташланди.

XIX аср бошларига келиб марказлашиш натижасида мамлакатда ўтган даврларга нисбатан ҳамма соҳада бир даража жонланиш бошланган эди.

Бу жонланиш тасодифан бўлиб қолмай, балки бир қанча иқтисодий ва социал сабаблар натижасида келиб чиққан эди.

XIX асрнинг бошларига келиб, Хоразмда Чингиз авлодидан сақланиб қолган соҳта Абулғозилар ҳокимиятдан четлатилган ва ҳукмронлик узил-кесил маҳаллий Қўнғирот сулоласининг вакиллари қўлига ўтган ва мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ўтган даврларга нисбатан бир оз тартибга келтирилган ва келтириляётган бир даврда Муҳаммад Ризо Огаҳий дунёга келади. Бу ҳақда Мунис ўзининг «Фирдавс-ул-иқбол» асарида шундай ёзади: «Бу йил /1224/1809/ моҳи мазкур яъни зулқаъданинг 10-сида, шаиба куни /8 декабрь—жума куня/ Эрнийезбекка ким, фақирнинг /Муниснинг—Қ. М./ инисидур, ҳазрати воҳиб ал-атоёт бир фарзанд аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ул... Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди».

Огаҳийнинг яшаган даври XIX асрнинг I, II, III, чоракларига тўғри келади. У Хоразмда яшаган ва ижод этган даврида Хива хонлиги тахтида кўпгина хонлар: Муҳаммад Раҳимхон I /1806—25/ Оллақулихон /1825—1843/, Раҳимқулихон /1843—1846/, Муҳаммад Аминхон /1846—1855/, Абдуллохон, Қутлиқмуродхон, Саяд Муҳаммадхон /1856—1865/, Муҳаммад Раҳимхон II /1865—1910/ лар ҳукмронлик қилдилар. Муҳаммад Юсуф Баённий «Шажараи Хоразмшоҳий» номли асарида ёзишича, Огаҳий 1291/1874 йили Хоразмда вафот этди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, биз Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирар эканмиз, асосан унинг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзма-лар фондида ва СССР фанлар академияси, Шарқшу-

нослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган тарихий ва адабий қўлёзма асарларига асосланимиз.

Мазкур қўлёзма асарлардан ташқари, ЎзССР фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзма-лар фондида сақланаётган кўпгина баёз ва тўпламларда Огаҳийнинг газаллари, муҳаммаслари, маснавийлари, рубойлари, қасидалари учрайди.<sup>4</sup>

Огаҳийнинг адабий фаолияти ва тарихий асарлари ҳақида баъзи бир асарлар босилиб чиққан<sup>5</sup> бўлса-да, ҳали Огаҳийнинг буюк бадий сўз устаси эканлигини, унинг ўзбек адабиёти тарихида туган ўрини, ўзбек адабиётига қўшган салмоқли ҳиссасини ва унинг томонидан ижод этилган тарихий асарларининг аҳамиятини тўла ёритиб бера оладиган йирик илмий монографиялар яратилган эмас.

Хива шоирларидан Лаффаси ўз асарида: «Огаҳий Муҳаммад Ризо мироб Қиётлий Эрнийезбек миробнинг ўғли бўлиб, хонлар даврида Шермуҳаммад мироб Муниснинг дастпарварда шоғирди бўлиб, амакизодаларидан эди», деб ёзади.

Огаҳий девонининг муқаддимасида ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган, «Мақсадсизлик майдонида авора, малолат ва маломатга учраган Муҳаммад Ризо ал-мулаққаб бил-Огаҳий ўз бошидан ўтган саргузашталаримни ва аҳволимни қуйидагича баён этаман. Менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг амирларидан ва Юз номли ўзбек тоифасидан мироблик мансабига етишганлардандир.

Ешлик чоғимдан бошлаб илм олишга қизиқдим. Мад-расада ўқидим. Олимларнинг хизматида ва суҳбатида бўлишни ўзимга лозим билдим.

<sup>4</sup> Баёзлар ва шеърлар тўпламлари: инв! №3330/II, 7011, 7710, 6985, 7050, 6993, 6998, 4006, 1161, 6977, 1132, 9494 1154, 5058, 1133 ва бошқалар.

<sup>5</sup> а/ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, том II, Тошкент, 1945 йил, 232-бет.

б/ Ўзбек поэзиясининг антологияси, Тошкент, 1948 йил, 171-бет.

в/ Огаҳий, Танланган асарлар, нашрга тайёрловчи С. Долимов, Тошкент, 1958 йил.

г/ Р. Мажилий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, Тошкент, 1958 йил, №3, 49-бет.

д/ Қ. Муниров, Огаҳий, Сборник работ аспирантов, Ташкент, 1958, 305-бет.

### Қитъа:

Қадам айлабон илм йўлида бош,  
Хунар касбида айлар эрдим талаш.

Не туллар манга хоби роҳат эди,  
Не куллар замони фароғат эди».

Бу келтирилган шеърдан Огаҳийнинг илм олишга жуда қизиққанлигини кўрамиз.

У яна давом этиб, шундай ёзади: «Хали илм қоидаларидан тўла баҳраманд бўлганимча йўқ эди, жаҳоннинг ранго-ранг жафоси ва балоси, ҳаёт андуҳи шиддатининг оғир юки тоғдек бошимга тушди; сипоҳигарлик яроғин тузмак ташвишига дучор ва сипоҳигарлик мансабининг шугли занжирга гирифтор бўлдим. Гоҳо мотамдорлик тахассуридин афсурда, гоҳо сув гуворлик тафаккуридан пажмурда, гоҳо авқот гузорлик асбоби саранжомининг фикри билан бошимда қора қайғу, гоҳо синоҳдорлик олотининг тахияси қайғуси билан кўзимга жаҳон қоронғу, гоҳо подшоҳ хизматининг тараддуди билан кўнглимда минг ғам ва гоҳо вазир мулозиматининг тажассуси била жонимда юз алам; аммо ана шу юқорида айтилган ташвишлардан қутилиб, бир оз вақт ва фурсат топсам, зўр иштиёқ ва завқ билан олимларнинг, шоирларнинг суҳбатида бўлиб, баҳра олар эдим.

Гоҳо ҳақиқий обидлар суҳбатида бўлиб, баҳра топар эдим, гоҳо ўзини халқ олдида обид кўрсатиш учун уринган қалбаки зоҳидлар суҳбатида бўлиб жаҳлим чиқар ва улардан этиқодим қайтар эди.

Ана шу сайр асносида, уларнинг ҳар бирини ўз ҳолига мувофиқ қилиб, ғазаллар, қасидалар, рубоийлар, маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар ёзар эдим. Улардан кўпи халқ оғзида ашула қилиб айтилар эди. Улардан баъзиларининг мусаввадаси бепарволигим сабабли чочилиб ётган эди».

Огаҳийнинг ўзи томонидан келтирилган бу маълумотларга қараганда, Огаҳий унчалик илм ва камолатга етишмай туриб, қандайдир сабаб туфайли ҳарбий хизмат билан шугулланишга мажбур бўлганга ёки қандайдир мансаб эгаси бўлганга ўхшайди.

Огаҳий ўзининг бу ҳарбий иш билан шугулланишидан, мансаб эгаси бўлишидан, подшоҳ хизматида ва вазир мулозиматида бўлишидан хурсанд бўлмаганлиги унинг «подшоҳ хизматининг тараддуди билан кўнглимда

минг ғам ва гоҳо вазир мулозиматининг тажассуси била жонимда юз алам» деган сўзларидан кўришиб турибди. Лекин Огаҳийнинг «Гоҳо шавқ ангиз қасидалар, гоҳо шаҳд омиз ғазаллар, гоҳо шакар рез мухаммаслар ҳаёл этиб, авроқ сутурига битар эрдим.. унча ким хотирим муроди эрди, етар эрдим» деган сўзларидан унинг мақсади нима эканлигини аниқлаш қийин эмас.

Унинг асосий мақсади илм эгаси бўлиш ва шу билан ўзбек тилида янги асарлар яратиб, ўзбек адабиёти ва тарихига ўз ҳиссасини қўшиш бўлган.

Шунинг учун ҳам у бошқа ишлар билан шугулланишни ўз бошига тушган бир кулфат деб билади. Юқорида айтилган ишлар билан овора бўлса-да, у адабиёт ва тарих фанига қизиқишни қўймаган. Бир оз вақт топса, олимлар ва шоирлар билан суҳбатда бўлган.

Унинг ёзган шеърлари халқ орасида тарқалгандан сўнг Огаҳий шоир сифатида танилган ва шуҳрат топган. Аввало унинг ёзган шеърлари ҳар хил қоғоз парчаларга ёзилган бўлиб, 1855—1865 йиллар орасида, Огаҳийнинг ўзи томонидан, девон шаклига келтирилган. Огаҳий ўз девонини «Таъвиз-ул-ошиқин» номи билан атаган. Огаҳий Хива хонларининг саройида ота-бобосидан қолган мироблик мансабида ҳам ишлаган.

Биз қисқача бўлса ҳам, унинг ҳаёти билан танишдик.

Энди биз унинг адабий фаолияти ва мероси ҳақида ҳам қисқача тўхтаб ўтамиз. Биз юқорида, Огаҳий шоир сифатида ўзининг девонини ёзиб қолдирган деган эдик.

### ДЕВОНЛАРИ

Хозирда ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Огаҳийнинг икки нусха қўлёзма /938, 7443 номерли/ девони сақланмоқда. 7443 номерли нусха эски бўлганлиги учун, 938 номерли нусха, у нусхадан кўчирилган бўлса кўрақ, деб ўйлаймиз. Шунингдек, Огаҳийнинг икки қўлёзма нусха (С 1944, С 19 номерли) девони СССР фанлар академиясининг Ленинград бўлимида ҳам мавжуддир. Девоннинг олдида қисқача сўзбоши бўлиб, Огаҳий бу ерда ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзади. Сўнгра унинг ғазаллари бошланади. Ғазаллар шарқ шоирларининг девон тузиш анъанасига мувофиқ алифбе бўйича берилган. Ундан ташқари, девонда Огаҳийнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган

мухаммаслари, мусаддаслари, мусамманлари, рубоий-лари, муаммолари, таржиъбандлари, мустазодлари, маснавийлари, қасидалари ва шунингдек девонининг охирида баъзи бир тарихий материаллар келтирилган. Хоразм хонларининг тахтга чиқиш, ўлиш ва баъзи бир улуг кншилариинг ўлиш тарихлари, XIX асрда Хоразмда қурилган баъзи бир биноларининг ва Хоразм девонининг қурилиш тарихлари келтирилган.

Огаҳий шеърларидан бир қисми яқинда босилиб чиқди.<sup>6</sup> ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Х. Шарафиддинов Огаҳийнинг тўлиқ девонини босмага тайёрламоқда.

Бундан ташқари Огаҳийнинг Хивада литография йўли билан босилган девонлари ҳам бор. Улар 1882 йили босилган бўлиб, ҳозир шу институт фондида мавжуддир.

Огаҳий томонидан ёзиб қолдирилган шеърлар XIX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда ва ёритишда, шоир Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Биз Огаҳийнинг девонини ўқир эканмиз, айниқса унинг лирик шеърлар ёзишга қизиққанлиги кўзга ташланади. Чунки унинг девониди лирик шеърлар кўп ўринини эгаллайди. Шунингдек, ўз давридаги феодал жабр-зулмларини, адолатсизликларни, кенг халқ оммасининг оч ва яланғоч аҳволда қийналиб кун кечиришини ва зулм эгаларининг роҳат ва фароғатда умр кечириётганликларини ифодаловчи шеърлари ҳам йўқ эмас. Улардан бирини келтирамиз:

«Хароб ўлсн плоҳий гунбади даввори чархи дун,  
Ки доим даври каждур, таври шуму ҳайъати вожун  
Анинг кажравлиги таъсирдандир бу жаҳон ичра,  
Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун.  
Бировким топса ёдек тинати кажлик бида тахмир,  
Бўлур коми ўқи доим мурод омонга мақрун,  
Бировким бўлса сидку ростлиг ичра алиф янглиг,  
Қади бори миҳан остида бўлғай ул сифат ким нун.  
Бировким балса хиссат пешаси ҳукмин суриб элга,  
Жаҳон амволинн йиғнар уйига ўйла ким Қорун.  
Бировким аҳли ҳиммат бўлса ғам кунжин мақом айлаб,  
Хамиша фақру фока меҳнатидиндур юзи олтун,  
Бировким оғзидан чиқғай дамо-дам фахш ила дашном,  
Эрур маскан анга айвони олий қасру гуногун.  
Бировким тоза мазмув байт фикр айлар қолиб тузда,  
Ипқуқ вайронда ёденз бағридур юз ваҳми бирла хун.

<sup>6</sup> Огаҳий, Танланган асарлар, нашрга тайёрловчи С. Додимов, Тошкент, 1958 йил.

Бировким сочса гар эл қасдиға бўғзу-хасад захрин,  
Бўлур кун-кундин онинг умри бирла давлати афзун  
Бировким берса гар амвогга ҳар нуқтаси юз жои,  
Улиб хасрат бида балғай адам туфроғида мадфун.  
Фано қасрига еткур Огаҳий жаҳд айлабон ўзин,  
Агар истар эсанг бўлмоқ жаҳон андуҳидин маъмур»<sup>7</sup>

#### БАДИИЙ АСАРЛАРНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Огаҳий ўзбек адабиёти хазинасини янги-янги бадий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш йўли билан боийтди.

У машҳур шоир Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг /690—1291/ «Гулистон» номли асарини ўзбек тилига таржима қилган. Бу ҳақда таржиманинг муқаддимасида гапиради.

Буюк тожик шоирларидан Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» номли асарини 1285/1868—1869 йилларда тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Атоқли озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг машҳур Хамсасидан «Ҳафт Пайкар» асарини наср билан ўзбек тилига таржима этган.

Огаҳий шунингдек Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо» номли асарини ҳам ўзбек тилига таржима этган.

Биз Огаҳийнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган адабий мероси ва унинг ўзбек тилига таржима қилган адабий асарлари билан қисқача танишдик. Энди биз унинг тарихий асарлари ва унинг томонидан ўзбек тилига таржима этилган тарихий асарлари ҳақида гапирамиз.

#### ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Огаҳий томонидан ёзилган тарихий асарлар ҳақида гапириндан аввал, у бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилган тарихий асарлар ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Юқорида айтганимиздек, Огаҳий фақатгина адабий асарлар ёзиш ва адабий асарларни таржима қилиш билангина чекланиб қолмай, балки оригинал тарихий асарлар ёзди ва кўплаб тарихий асарларни таржима қилди.

<sup>7</sup> Девони Огаҳий, инв. № 938, арақ 103а «б.



Огаҳий, Ҳиндистонда ҳокимлик қилган подшолардан Муҳаммадшоҳ Аврангзеб замонида яшаган олимлардан Муҳаммад Вориснинг «Зубдат-ул-ҳикоёт» номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Муҳаммад Ворис ўзидан илгари яшаган тарихчиларнинг ва олимларнинг асарларини ўрганиш асосида насихатномага ўхшаш бу асарини ёзган ва унга «Зубдат-ул-ҳикоёт» деб ном берган. Бу асарнинг Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ягона нусхаси ҳозир ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Огаҳий, шунингдек, Қайковус б. Искандар б. Қобус б. Вашамгирнинг ўз ўғли Гилоншоҳ учун ёзган шарқда машҳур бўлган «Насихатнома» ёки «Қобуснома» деб аталувчи асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Бу асар 44 бобдан иборат бўлиб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоялардан иборатдир.

Огаҳий бу асарга ёзилган кичкинагина муқаддимада, унга бу асарни таржима қилиш буюрилганлиги ва уни бошлаганлиги ҳақида гапирди.

Бу асарнинг таржимасидан ёлғиз нусха ҳозир ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Асар рус тилига ҳам таржима қилинган.

Огаҳий Маҳмуд б., Шайх али б. Имомиддин Ғиждивийнинг «Мифтоҳ-ут-толибин» номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Ҳозирда у асарнинг таржимасидан бир нусха ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланмоқда.

Китобнинг охирида кўрсатишича, Огаҳий бу асарнинг таржимасини 44 кунда тамомлаган.

Огаҳий, шунингдек, Ҳусайн б. Али Кошифийнинг «Аҳлоқи Мухсиний» номли асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилган. Бу асар дидактик характерга эга бўлган ҳикоялардан иборат. Асарнинг ўзбекча таржимасидан бир неча нусха ҳозирда ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Огаҳий Муҳаммад Маҳдий Астрободий б. Муҳаммад Носир томонидан ёзилган «Тарихи жаҳон купон Нодирий» ёки «Тарихи Нодирий» номи билан ҳам юритилган асарни ўзбек тилига таржима қилган. Бу асар

Нодиршоҳнинг /1148—1736/1160—1747/ ҳукмронлик қилган давридаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Асарнинг ўзбекча таржимасидан икки нусха ҳозирда мазкур Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида мавжуддир.

Бу асарнинг Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима этилганлиги ҳақида қўлёзманинг ўзида ҳеч қандай маълумот келтирилган эмас. Лекин бу асарнинг Хоразмда таржима этилиши ва кўчирилиши, шунингдек Огаҳий девонининг муқаддимасида, у томонидан таржима этилган асарларнинг рўйхатида «Тарихи Нодирий»нинг бўлиши, бу асарнинг Огаҳий томонидан таржима этилганлигининг далили бўла олади.

Огаҳий, Муҳаммад б. Ховандшоҳ тахаллуси Мирхонд 903/1498 ўлган/ томонидан ёзилган кўп томли «Равзат-ус-сафо» асаридан бир неча томини ўзбек тилига таржима этган.

Бу асарнинг I китобини ва II китобининг I ярмини Мунис ўзбек тилига таржима этгандир. Қолган томларининг таржимасини Огаҳий давом этдиради.

Мунис ўлгандан сўнг, Огаҳий унинг бошлаган ишини давом этдириб, «Равзат-ус-сафо»нинг II китобининг II ярмини таржима қилишга бошлаган.

Ҳозирги вақтда ундан бир нусха ЎзССР фанлар академияси Шарқшунослик институтининг шарқ қўлёзмалари фондида сақланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу ишнинг Огаҳий тарафидан бажарилганлигини китобнинг охирида келтирилган қуйидаги маълумотлардан аниқлаймиз: «Бу китобни ўқувчи кишиларга маълум бўлсинки, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад б. Ховандшоҳнинг «Равзат-ус-сафо» асарининг I дафтариини ўзбек тилига таржима этиб, иккинчи дафтариининг ярмини тамомлаганда 1244/1829 йили вафот этади. V асарининг 2-дафтари охиригача таржима этилмай, чала қолди. 1850 йили менким, Эрннэзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо мироб, лақабим Огаҳий, бу чала қолган «Равзат-ус-сафо»ни таржима этишга бошладим ва охирига етказдим.

«Равзат-ус-сафо» асарининг Огаҳий тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган III китоби ҳам мазкур институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Бу асарнинг Огаҳий томонидан таржима этилганлиги

ҳақида таржиманинг муқаддимасида қисқача гапириб ўтилади.

Яна шуни айтиш керакки, ҳозирда мазкур фонdda «Равзат-ус-сафо»нинг 7 томини Хоразмда XIX асрнинг охирларида ўзбек тилига қилинган таржимасидан бир неча нусха сақланмоқда.

Булардан 6787, 827 номерли нусхаларнинг аввалги бетига қизил сиеҳ билан номаълум шахс тарафидан китобнинг номи, автори ва кўчирувчининг номи ва кўчирилган йилини келтириш билан бир қаторда, «Мутаржим Муҳаммад Ризо мироб ал-мулаққаб ба-Огаҳий Хоразмий» деб ёзилган. Шунга қараганда, 7-том ҳам Огаҳий тарафидан таржима қилинган деб айтиш мумкин, шунингдек, ЎзССР фаилар академияси шарқ кўлэмалари тўпламида ҳам Огаҳий томонидан таржима этилган деб кўрсатилган.

Юқорида келтирилган асарлардан ташқари Огаҳий бир қанча тарихий ва адабий асарларни ўзбек тилига таржима қилгандир.

Огаҳийнинг ўз девонига ёзган муқаддимасида келтирилган маълумотлардан, унинг қуйидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилганлиги аниқланди. «Фақир (Огаҳий—Қ. М.) нинг туркий (ўзбек—Қ. М.) тили билан таржима қилган китоблари: «Равзат-ус-сафо»нинг иккинчи дафтарида чаҳор ёр изомнинг воқиаси, учланчи дафтари, «Нодирнома», «Зафарнома», «Зубдат-ул-хикоят», «Мифтоҳ-ут-толиб», «Ахлоқи Муҳсиний», «Восифий», «Насихатномаи Кайковус», «Саломани Абсоли» Жомий, «Гулистони Саъдий», «Бахористони Жомий», «Равзат-ус-сафо» Носирийнинг биринчи дафтари, «Далонл-ал-хайрат» шарҳиким, рум туркисидан ҷиғатой тилига ўтқарилди, «Тазкирани Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Ҳафт пайкари Низомий», «Ҳашт биҳишти Хисравий», «Юсуф ва Зулайхо» Жомийким, манзум бўлди ва «Шоҳ ва Гадон» Ҳилолийким, манзум бўлди».

Юқорида келтирилган асарлардан «Зафарнома», «Восифий», «Равзат-ус-сафо» Носирий, «Далонл-ал-хайрат шарҳи», «Тазкирани Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Ҳашт биҳишти» Хисравийлар, институт кўлэмалар фондида йўқ. Эҳтимол, кейинчалик Огаҳий томонидан таржима этилган баъзи асарларни топишга муваффақ бўлармиз.

Огаҳий тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган тарихий асарлар ҳақида гапириб ўтдик.

Энди биз унинг ўзи ёзган тарихий асарлари ҳақида гапирамиз.

#### ОГАҲИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ

Огаҳий Хоразм ва унга қўшни ўлкаларнинг XIX аср тарихига оид муфассал материал берувчи бир неча қимматли тарихий асарларни ёзиб қолдирган. У, ўз замонасининг атоқли тарихчиси сифатида танилди. Бу соҳада ўз устози ва амакиси Мунис томонидан бошланган масъулиятли катта ишни давом этдиради. Бундай ишни давом этдириш учун жуда кенг маълумот эгаси бўлиш ва кўп хил тилларни билиш талаб қилинар эди. Юксак маҳорат эгаси бўлган Огаҳий бу ишнинг улдасидан чиқа олди.

#### «ФИРДАВС-УЛ-ИҚБОЛ»

Қадим замонлардан Муҳаммад Раҳим 1/1806—1825/ давригача Хива хонлиги территориясида яшовчи унга қўшни туркман, қорақалпоқ халқларининг тарихи оид бой материалларга эга бўлган бу йирик асар Амир Авазбийнинг ўғли Шермуҳаммад (адабий таҳаллуси Мунис) ва унинг шогирди, амакиваччаси Эрнӣёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо (адабий таҳаллуси Огаҳий)лар томонидан ёзилгандир.

Мунис бу асарни ёзиб тугатишга муваффақ бўла олмаган. У Муҳаммад Раҳимхон 1/1806—1825/ ҳукмронлигининг дастлабки 7 йили давомида (қадим замонлардан 1813 йилгача) бўлган воқеаларни ёзиб тугатишга улгурган. 1829 йили Мунис вафот этгандан сўнг, бу ишни Огаҳий давом этдиради ва охирига етказди. Огаҳий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Мунис Элтузархон даврида 1/1804—1806/Хоразм хонларининг хонлик тарихини ёзишга бошлайди. У ўз асарини Шерғозихон даврига етказганда, Бухоро хони билан бўлган урушда Элтузархон вафот этади. Ундан сўнг Хоразмда давлат тепасига келган Муҳаммад Раҳим 1/1806—1825/ даврида Мунис бу тугалланмай қолган асарини давом этдиради. У Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлигининг дастлабки 7 йили давомида бўлган воқеаларни ёзиб тамомлагандан сўнг, бу

инини тўхтатиб, буюк тарихчи Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» асарини ўзбек тилига таржима қилишга киришади. У мазкур асарнинг I томининг таржимасини тамом қилиб, II томини таржима эта бошлайди. Бироқ бу асарнинг II томининг таржимасини ҳам, шунингдек, «Фирдавс-ул-иқбол» асарини ҳам охирига етказа олмай, вафот этади».

1813 йилдан 1825 йилгача Хева хонлигида рўй берган тарихий воқеалар Огаҳий томонидан баён этилган. Бу ҳақда хоразмлик тарихшунос ва шоир Баёний ҳам ўзининг «Шажараи Хоразм шоҳий» асарида гапирди.

Мунис ва Огаҳийнинг бу асаридан бир неча қўлёзма нусха ҳозир СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида, шунингдек, бир неча қўлёзма нусха ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

#### «РИЁЗ-АД-ДАВЛА»

Қимматли қўлёзма асарлардан бири, Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган «Фирдавс-ул-иқбол» номли асардан кейин, Оллоқулихоннинг Хоразмда ҳукмронлик қилган давридаги (1240/1825—1255/1843) тарихий воқеаларни акс этдирувчи асар Огаҳийнинг 1250/1844 йилда ёзган «Риёз-ад-давла» асаридир.

Огаҳий ўзининг бу асарини ва шунингдек, қуйида келтирилган асарларини ёзар экан, феодализм даври тарихчиларнинг анъанасига мувофиқ, ҳамд этиш ва наът билан бошлайди. Сўнгра ўз ҳаёти ҳақида қисқача гапириб, дунёдан шиквадар қилади. Сўнгра Оллоқулихонни мақтайди. Ундан кейин тарих илмига таъриф бериб, асарнинг ёзилиш тарихига тўхтайдди ва бунинг ёзилишига сабабчи бўлган шахслар ҳақида гапирди. Сўнгра воқеаларни баён этишни Оллоқулихоннинг туғилишидан бошлаб то у ўлгунга қадар Хоразмда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ёзади. Асарнинг муқаддимасида автор жуда камтарлик билан бу асарнинг ёзилиши ҳақида гапирди: «Эрниёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо мироб, лақабим Огаҳий, ўз аҳволимни қуйидагича баён этаман. Ешлик чоғларимда бошимга ҳар хил ва турли-туман ташвишлар тушди. Ҳар тарафдан бошимга бало тоши ёрди. Ҳамиша кўнглимда тинчсизлик ва таъбимда хавф ҳукм сураб эди.

#### Назм:

Гаҳи юз қўйиб бошимга қайғу,  
Кўришиб кўзимга олам қоронғу,  
Бўлиб ғам хайли гоҳи қосиди жон,  
Йиқилиб бошимга гардуни гардон.  
Очиб гоҳи хаводис илки панжа,  
Қилиб кўнглимни аъзосиңи ранжа,  
Бўлиб дилхастау таъбим паришон,  
Фигонлар айлар эрдим, лек пинҳон.

Лекин жаҳондин етган ҳар хил аламларни олимларнинг ва шоирларнинг суҳбатида бўлиш билан бир оз тарқатар эдим».

Ўз аҳволи ҳақида юқоридаги маълумотларни келтиргандан сўнг, бу асарининг ёзилиши ҳақида қуйидагиларни келтиради: «Бу асарни ёзишга бошладим. Асарни ёзиш давомида менга Муҳаммад Еқуб меҳтар ёрдам берди. Бу асарни «Риёз-ад-давла» номи билан атадим.

Бу асардан бир неча нусха СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида №Е 6, Д 123/590ос./ ва шунингдек, бир неча нусха ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида №821/II, 5364/II номерлари билан сақланмоқда.

Асарнинг 821/II номерлик нусхаси, яхши наставтик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, ҳар бир бети 25 қатордан иборат. Сарлавҳалар ва баъзи одамларнинг номлари қизил сиёҳ билан ёзилган.

Асарнинг аввали: «жаҳонбонлиг маҳомининг интизомини ва ҳукмронлиг низомининг сар риштаи аҳтитоми... сўзлари билан бошланиб, охири:

«Бу нусхаки битмакни ком айладим,  
Сенинг жаҳдинг билан тамом айладим.  
Десаиғ соли итмомини шарҳ қил,  
Минг икки юз олтииш эрди, бил.  
Бўлиб хатми таҳрири моҳи сафар,  
Душанба кунинда намози дигар.  
Етурди худо мақсаду комима,  
Фароғат майин тўлдириб жомима.  
Кетур соқие эмди роҳат майи,  
На роҳат майи айш-ишрат майи.  
Ки ман сепқариб лаҳза-лаҳза аёғ,  
Топкай ҳодисоти жаҳондин фароғ.  
Тамнат-ул-китоб би авни малик-ул-ваҳҳоб.

Санаи 1297/1879 — 1880 билан тамомланади.

Асарнинг ҳажми 117 варақдан (2696—3866) иборат бўлиб, ўлчови 26,5×43,5 см дир. Асарнинг ким томонидан кўчирилганлиги маълум эмас.

Бу асарнинг шу фонддаги 5364/II номерли иккинчи нусхаси ҳақида қуйидагиларни гапириш мумкин. Бу нусха тўлиқ ва яхши сақланган. Яхши настаълик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, ҳар бир бети 25 қатордан иборат. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Қўлёзмада кўчирувчининг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Текшириш натижасида қуйидаги мулоҳазани қилиш мумкин. Бу билан бир муқовада бўлган «Фирдавс-ул-иқбол» асарининг хатини бу асарнинг хати билан солиштириб кўрилганда, 344-варақнинг 6 бетигача Муҳаммад Карим девонинг ўғли домла Муҳаммад Ризо охунд томонидан кўчирилган бўлса керак. 345-варақдан бошлаб хат озгина ўзгаради. Шу ердан бошлаб, асарнинг охиригача бошқа бир шахс томонидан кўчирилган бўлса керак.

Муқова ичига олинган «Зубдат-ут-таворих» номли асарни кўчиришда ҳам шу иккинчи шахснинг ёрдамлашганлиги кўзга ташланади. Бу асарлар ҳажм жиҳатдан катта бўлганлиги сабабли, бир кишининг бошдан охиригача кўчириши кийин бўлган ёки тезроқ кўчириб тамомлаш лозим топилган бўлса керак.

Бу нусханинг боши ва охири юқорида айтган нусхамизнинг боши ва охирига ўхшайди. Бу нусха аввалги нусхадан 24—25 йиллар чамасида кейин ёзилган бўлиб, у нусхадан кўчирилган бўлса керак деб ўйлаш ҳам мумкин. Асар 120 (2476—3666) варақдан иборат бўлиб, ўлчови 29,5×43 см дир.

СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган икки нусха ҳам худди шу нусхаларга ўхшайди ва бир хил сўз билан бошланади ва бир хил сўз билан тамом бўлади.

Унинг Е6 номерли нусхаси қора сиёҳ ва настаълик хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган бўлиб, текст қизил сиёҳдан қилинган рамкалар ичига олинган. Асарнинг баъзи бир варақлари тикланган.

Қўлёзмада кўчирувчининг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Асар 113 (2696—3816) варақдан иборат бўлиб, ўлчови 27×48 см дир.

Унинг иккинчи Д 123 (590) номерли нусхаси ҳам юқоридагига ўхшаш настаълик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, сарлавҳалар эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Асарнинг ҳар бир бети 19 сатрдан иборат. Қўлёзмада кўчирувчининг исми ва кўчирган йили кўрсатилмаган. Асар 256 варақдан иборат, ўлчови 21×33 см дир.

#### «ЗУБДАТ-УТ-ТАВОРИХ»

Хоразмининг XIX аср тарихига оид асосий қўлёзма манбалардан бири 1262 (1845—1846) йили Огаҳий тарафидан ёзилган «Зубдат-ут-таворих» номли асардир. Бу асар «Риёз-ад-давла» асаридан кейинги даврни, яъни Раҳимқулихоннинг (1843—1846) Хоразмда ҳукмронлик қилган давридаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида бу асарнинг икки тўлиқ нусхаси 821/III ва 5364/III номерлари билан сақланмоқда.

Бу асарнинг 821/III номерлик нусхаси яхши настаълик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган.

Асарнинг аввали: «Сипоси вофир тухфаси ул султони азамат нишон остониға нисордурким» ...сўзлари билан бошланиб, охири: «...Дониш аҳлининг хотири хатирларига маълум бўлсинким, бу мухта сарнинг («Зубдат-ут-таворих» — Қ. М.) таълифи Раҳмонқулихоннинг вафотидан 35 кун сўнг санан ҳижрия 1262 (1845—1846) йилда илон йили рабиал аввал ойининг тўртида душанба куни ихтимом топди. Саҳв хато ва нуқсонини айб қилмай маъзур тутсинлар, балки лутф ва қарам кўргузиб ислоҳ берсинлар... Таммам-ул-китоб. Санан 1279 (1879—1880). Роқими ин китоб Мулла Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Қарим девон марҳумий»... сўзлари билан тамом бўлади. Асар 50 варақдан (3866—435а) иборат бўлиб, ўлчови 27×44 см дир.

Бу асарнинг иккинчи нусхаси ҳам тўлиқ ва яхши сақланган бўлиб, яхши настаълик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган. Ҳар бир бети 25 сатрдан иборат. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Бу нусха 1322 (1904—1905) йили домла Муҳаммад Ризо охунд Хевақи ибн Муҳаммад Карим девон томонидан кўчирил-

ган. Текшириш натижасида, бу асарни кўчириш ишида бошқа бир оламнинг ҳам ёрдам қилганлиги гумон қилинди. Чунки 391-варақнинг а бетидан бошлаб, 398-варақнинг б бетигача бошқачароқ хат билан ёзилган.

Бу нусханинг аввал ва охири юқорида айтиб ўтилган нусхамизга тўлиқ ўхшаш бўлиб, у нусхадан 25 йил кейин кўчирилган. Асар 55 варақдан (3676—421а) иборат бўлиб, ўлчови 29×43 см дир.

Шунингдек, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида бу асарнинг бир нусхаси Е 6 шифри билан сақланмоқда.

Бу нусха ҳам қора сиёҳ ва настатьялик хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Текст қизил рангдаги рамка ичига олинган. Нусха тўлиқ бўлиб, боши ва охири Тошкентдаги нусхаларга тўлиқ ўхшайди. Асарда кўчирувчининг номи кўрсатилмаган. Асар 1273 (1856—1857) йили ёзилган бўлиб, 52 варақдан (3876—439а) иборат. Ўлчови 27×48 см дир.

Огаҳий бу асарининг аввалида ҳамд ва наът айтиб, сўнгра «Риёз-давла» асарини битириб Раҳимқулихоннинг олдига олиб борганлиги ва ўзининг «Зубдат-ут-таворих» номли асарни ёзишга бошлаганлиги ҳақида гапирди. Огаҳий бу асарни икки қисмга бўлади. Биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилишидан хонлик тахтига чиққунча бўлган воқеалар ҳақида гапирди. Иккинчи қисмида эса, Раҳимқулихоннинг хонлик тахтига чиққандан сўнг то ўлгунга қадар бўлган воқеалар ҳақида ёзади.

#### «ЖОМИЪ-УЛ-ВОҚЕОТИ СУЛТОНИЙ»

Огаҳийнинг Хоразм тарихига оид асарларидан учинчиси «Зубдат-ут-таворих»дан кейин Муҳаммад Аминхоннинг (1846—1855) Хоразмда ҳукмронлик қилган давридаги тарихий воқеаларни баён этувчи «Жомий-ул-воқеоти султоний» номли асаридир.

Огаҳий бу асарининг ёзилиши ҳақида асар муқаллимасида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Бу китобнинг ёзувчиси Эршиёзбекнинг ўгли Муҳаммад Ризо мироб, ақибат Огаҳий, қуйидагиларни баён этаман, Муҳаммад Аминхон давлат тепасига келган вақтда Раҳимқулихоннинг Хоразмда ҳукмронлик қилган вақтидаги бўлган та-

рихий воқеаларни ёзар эдим. Уни тезлик билан тамома этиб, Муҳаммад Аминхонга тақдим этдим».

Муҳаммад Аминхон Огаҳийнинг олиб борган бу тарихий асарини кўргандан кейин, ўзининг хонлик тарихини ёзишни буюрган. Огаҳий унинг буйруғига мувофиқ бу асарни ёзишга бошлаган. Бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Сўнгра бу китобимни ёзишга бошладим ва уни «Жомий-ул-воқеоти султоний» деб атадим;

#### Назм:

Чунки бу нусхага илик урдим,  
Ибтидо қилгани қалам сурдим.  
От қўяр вақтида дедим уни  
«Жомий-ул-воқеоти султоний»

Бу асардан бир нусха ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (9786 номери билан) сақланмоқда.

Бу асар ўртача настатьялик хатида қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, ҳар бир бети 17 қатордан иборат. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Баъзи бир бетларда асарнинг хошиясига ҳар хил тўлдиришлар киритилган. Кўп жойларда эса, ноаниқ ва хато ёзилган сўзлар ўчириб, тўғрилаб ёзилган. 204а бетининг ярми ва 204б бетлари оқ холда, ҳеч нарса ёзилмаган.

Бу асарни СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган нусхаси билан солиштириб кўрганимизда, у нусхада ҳеч қандай жой қолдирилмагани аниқланди. Натижада, мазмун жиҳатидан тўлиқликда ҳар иккаласи баробар бўлиб чиқди. Нима учун бу ернинг очиқ қолганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Бу асарни кўчирувчилар икки киши бўлиб, бири шу ергача, бошқаси шу ердан бошлаб кўчирган бўлиши ҳам мумкин.

Асарнинг аввали: Ҳамд ва ситойиши убудият ва пурстиш ул подшоҳи... сўзлари билан бошланиб, охири:

#### Назм:

«Кел эй дил, тажарруд шпор айлагил,  
Ўзинга қаюатни ёр айлагил.  
Ки то кўрмагайсан дами даҳр аро,  
Жаҳону фалакни жафоу илол»

Сўзим ушбу эрдик қилдим тамом,  
Қабул айлаю, қилма рад ассалом»

Сўзлари билан тамом бўлади. Қўлёзмада қўчирувчининг номи ва кечирилган йили кўрсатилмаган. Асар 250 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 15 X 25 см дир. Хати ва қоғозига қараганда XIX асрда ёзилган.

Бу асарнинг яна бир нусхаси СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида Е 6 шифри билан сақланмоқда.

Бу нусха ҳам қора сиёҳ ва настаълик хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Текст қизил сиёҳдан қилинган рамка ичига олинган. Нусха Тошкентдаги нусхага ўхшайди. Ҳажми 82 варақдан иборат (4416—5226) бўлиб, ўлчови 27 X 48 см дир. Асар 1273 (1856—1857) йили ёзилган бўлиб, мулла Оллоберган б. Уста Қилич заргар томонидан кўчирилган.

#### «ГУЛШАНИ ДАВЛАТ»

Огаҳийнинг Хоразм тарихига оид асарларидан тўртинчиси «Жомий-ул-воқеоти султоний»дан кейин ёзилган ва Саид Муҳаммадхон (1856—1865) Хоразмда ҳукмронлик қилган даврдаги воқеаларни ўз ичига олувчи «Гулшани давлат» асаридир.

Асарнинг муқаддимасида унинг ёзилиш тарихи ҳақида шундай дейилади: «Бу китобни ўқувчиларга ва мутолаа этгувчиларга маълум бўлсинким, мен Эрниёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо мироб, лақабим Огаҳий, кўп вақтлардан бери Хоразм тарихини ёзиш билан ўз қаторларим ичида хурсанд эдим. Саид Муҳаммадхон ўзининг ҳукмронлик тарихини ёзишни буюрди. Бу вазифан бажаришга розилик билдирдим. Бу асаримни ёзишга бошладим ва уни «Гулшани давлат» номи билан атадим».

Бу асардан бир нусха 7572 номери билан ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Бу асар яхши настаълик хати ва қора сиёҳ билан қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, ҳар бир бети 25 қатордан иборат. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган.

Асарнинг аввали: «Сипоси бе интимос ва ситойиши бе индирос... «сўзлари билан бошланиб, охири: «ушбу мусаммо «Гулшани давлат»га ким..» Саид Муҳаммадхоннинг... воқеотиға муштамилдурким, тарихи ҳижрий бир минг уч юз дағи йигирма бирда мувофиқи товушқон йили моҳи раби-ас-сонийнинг 14 да чаҳоршанба куни ихтимом топди» сўзлари билан тамом бўлади.

Асар 1321 (1903—1904) йилда кўчирилган бўлиб, лекин қўлёзмада кўчирувчининг номи келтирилмаган. Асар 280 варақ, ўлчови эса 15 X 23,5 см дир.

Бу асардан икки нусха Е 6,1891 шифрлари билан СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда.

Биринчи Е 6 номерли нусха қора сиёҳ, настаълик хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Текст қизил сиёҳдан қилинган рамка ичига олинган.

Асарнинг ҳажми 78 варақдан (5256—602а) иборат, ўлчови эса 27 X 48 см дир.

Қўлёзмада кўчирувчининг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Асар хатига ва қоғозига ва бошқа белгиларга қараганда XIX асрнинг II ярмида кўчирилган.

Шунингдек, иккинчи 1891 номерли нусха ҳам чиройли настаълик хати ва қора сиёҳ билан юқори сифатли ҳар хил рангдаги рус қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. Нусха тўлиқ бўлиб, қора чарм муқовада.

Бу нусха 1324 (1906—1907) йилда домла Муҳаммад Раҳим хўжа валади домла Иброҳимхўжа Хоразмий томонидан кўчирилган. Асар 280 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 12,5 X 20 см дир.

Юқорида айтилган ҳар иккала нусха Тошкентдаги нусхамизга тўлиқ ўхшайди.

#### «ШОҲИДИ ИҚБОЛ»

Огаҳийнинг Хоразм тарихига оид асарларидан охиртисин «Гулшани давлат» асаридан кейин ёзилган ва Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) даврида 1872 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни ўз ичига олувчи «Шоҳиди иқбол» номи асаридир.

Бу асарнинг дунёда ягона нусхаси С 572 шифри билан СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда.

Бу нусха қора сиёҳ ва настаълик хати билан қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалкар қизил сиёҳ билан ёзилган. Ҳар бир бети 15 қатордан иборат. Қизил чарм муқовада. Асарда кўчирувчининг исми ва кўчирган йили кўрсатилмаган. Асарнинг охири йўқ. Асар 1872 йилги воқеаларни айтиш билан тамом бўлади.

Огаҳий ўз асарларининг муқаддимасида қуйидагиларни ёзади: «Мен, Муҳаммад Ризо лақабим Огаҳий, ёшлигимдан то шу вақтгача Хоразмда яшадим. Бу ерда ҳукмронлик қилган подшоҳларнинг тарихларини ёздим. Муҳаммад Раҳим хон II (1865—1910) вақтида бу асарни ёзишга бошладим ва унга «Шоҳиди иқбол» деб ном қўйдим.

Асар 227 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 14 × 25 см. дир.

Шундай қилиб, Огаҳий Хива хонлиги тарихини ёзиш бўйича ўз устози Мунис томонидан бошланган бу катта ишни давом этдириб, 1813 йилдан бошлаб 1872 йилгача Хоразмда бўлган воқеаларни батафсил баён этувчи «Фирдавс-ул-иқбол», «Риёз-ад-давла», «Зубдат-ут-таво-рих», «Гулшани давлат», «Жомий-ул-воқеоти султоний», «Шоҳиди иқбол» номли бир неча оригинал тарихий асарлар ижод этган буюк ўзбек тарихчиси дир. Огаҳий ўзининг кўп қирралик таланти билан айниқса тарих фанини оригинал асарлар билан бойитишда катта хизматлар қилди.

Огаҳий томонидан яратилган ва юқорида келтирилган бу тарихий асарлар анча илгари вақтлардаёқ олимлар, тарихчилар ва шарқшуносларнинг диққатига сазовор бўлгандир.

Атоқли рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд Мунис ва Огаҳий асарлари билан танишиб, уларнинг илмий қимматига баҳо берар экан, шундай хулосага келган эди: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликларга эга бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган аниқ материалларнинг кўпчилиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича бўлган ҳамма асарларни ўзидан анча оққанда қолдиради»<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> В. В. Бартольд, История культурной жизни Туркестана, Л., 1927, 113-бет.

Огаҳийнинг бу тарихий асарлари билан биринчи бўлиб танишган рус шарқшуносларидан бири А. Л. Кун эди. 1873 йили Хива хонлигига қилинган юришда А. Л. Кун ҳам иштирок этган.

Мунис ва Огаҳийнинг бу қўлёзма асарлари биринчи марта 1873 йили тахтни ташлаб қочган Хева хони саройидан А. Л. Кун томонидан топилган. У тезликда бу асарларни Осиё музейига топширган. Ҳозирда бу қўлёзмалар СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Ленинград бўлими)да сақланмоқда. Бу қўлёзмалар ҳақида А. Л. Кун биринчи марта 1873 йили «Туркестанские ведомости»нинг 40-нчи совида ва шунингдек, Россия география жамиятининг мажлисида маълумот берган. Унинг бу мажлисида қилган доклади Россия география жамиятининг ахборотида ҳам босилиб чиққан.<sup>9</sup>

Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган «Фирдавс-ул-иқбол»нинг бир нусхаси 1890 йили Авр. Амирханьянцга рецензия учун берилди. Амирханьянцга асар билан мукаммал танишиб, асарнинг автори ва илмий қиймати ҳақида 18 бетдан иборат ўз мулоҳазаларини ёзиб беради. У асарга жуда юксак баҳо беради. Ўз рецензиясининг охирида бундай деб ёзади: «Березин, Френъ, Ильминскийлар чигатой (ўзбек—Қ. М.)

тилида ёзилган манбаъларни нашр этишда, агар қўлларидан шундай бир мукаммал қўлёзма асар бўлса эди, ўзларини бахтли ҳисоблаган бўлар эдилар»<sup>10</sup>.

XIX аср Хоразм ўлкасини ўрганишда ҳақиқатда ҳам бирдан—бир қўлёзма тарихий манбалар Огаҳий томонидан ёзилган асарлардир. Бу асарлар ҳалигача қўлёзма ҳолида сақланиб келмоқда. Уларнинг тўлиқ таржимаси ёки критик тексти нашр этилган эмас.

<sup>9</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении, том II, М.—Л., 1938, стр. 27; В. В. Бартольд, События перед Хивинским походом, 1873 г. по рассказам хивинского историка, Кауфманский сборник, М., 1910, стр. 4.

<sup>10</sup> Записка паст. Авр. Амирханьянца об «Истории Хивы» и заметка проф. Н. И. Весельского Ср. прот. ист. фил. отд. 1890 г. § 14 (6. 11. 90) § 24 (20. 11. 90) Ленинградское отделение Института востоковедения АН СССР, Архив, р. III, оп. 2, № 34, 14—15-бет.

Лекин юқорида зикр этилган Огаҳий асарларидан ташқари Хива хонлиги тарихи бўйича бошқа асарларга ҳам эгамиз. У асарлар ҳам Урта Осиё ва, айниқса, XIX аср Хоразм тарихини ўрганишда қимматли маълумотлар беради. XIX асрда кўпгина рус шарқшунослари, тарихчилари, сайёҳлари ва бошқалар Урта Осиё ва, шунингдек, Хива хонлиги бўйлаб саёҳат қилганлар ва бу мамлакат ҳақида асарлар ёзганлар. Масалан: XIX асрда Хива хонлигига Н. Муравьев, Г. И. Данилевский, Б. Зингер, В. В. Григорьев, Лерх, Н. И. Веселовский ва бошқалар келадилар. Улар Урта Осиё халқлари ва, шунингдек, Хива хонлиги тарихига оид қатор асарлар ёздилар. Бу асарлар уларнинг шахсий кузатишлари, асирларнинг, юборилган элчиларнинг берган маълумотлари асосида ёзилган бўлиб, Хоразмнинг маҳаллий тарихчиси Огаҳийнинг бу қўлёзма асарларида берилган маълумотлардан фойдаланмаган ҳолда ёзилгандир.

Хозирча бизга маълум бўлишича, академик В. В. Бартольдга Огаҳийнинг бу асарлари ҳақида фақатгина шарқшунос Куннинг 1873 йили «Туркестанские ведомости» газетасининг 40-сонида кичкинагина мақоласи босилиб чиққандир.

Атоқли рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд Огаҳийнинг бу қўлёзма асарларини ўрганилмаганлиги ва илмий асарлар ёзишда улардан фойдаланилмаганлиги ҳақида бундай деб ёзган эди: «Фанлар Академиясининг Осиё музейида (СССР Фанлар академияси, Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида) сажлаётган хонлик тарихи ҳақида ёзилган асарлар бостирилмасдан келмоқда ва ҳеч ким томонидан фойдаланилган эмас»<sup>11</sup>.

Кейинчалик, тарихий қўлёзма манбаларга асосланиб, Урта Осиё халқлари тарихини, шунингдек, Хоразм халқлари тарихини ўрганиш ишини академик В. В. Бартольд бошлаб берди. Бартольд Урта Осиё халқлари тарихини ўрганиш соҳасида кўп қўлёзма асарларни ўқиган ва ўз асарларини ёзишда улардан кенг фойдаланган.

<sup>11</sup> В. В. Бартольд, История изучения Востока в Европе и России, Л., 1925, стр. 259

Академик В. В. Бартольд, Урта Осиёда сугориш ишлари тарихи ҳақида муфассал маълумот берувчи асарини<sup>12</sup> ёзаркан, машҳур шарқ тарихчилари, географлари, олимлари, сайёҳлари: Екути Ҳамавий, Табарий, Истахрий, Ибн Халликон, Ибн Руста, Шарафиддин Али Яздий, Ҳамдулла Қазвиний, Хофиз Абрў, Ибн ал-Асир, Жувайний, Ибн Халдун, Наршахий, Хофиз Таниш Бухорий, Абуғозий, Ибн Руста, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Бобир, Вассоф, Мирхонд, Абу Абдулло Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланган. Шунингдек, асарининг XIX аср Хива хонлигига оид бобда Огаҳий томонидан яратилган тарихий асарлардан фойдаланган. Бартольд ўз асарида фойдаланган қўлёзма тарихий манбаларда сугориш ишларига оид материалларнинг кам учраши ҳақида гапирса-да, лекин «Хива хонлигининг тарихи бундан мустаснодир. Лекин бу ерда ҳам кўп нарсалар номатълум қолган. Ҳар ҳолда, XVII асрда Абулғозихоннинг, шунингдек XIX аср тарихчилари Мунис ва Огаҳийнинг Амударё ва ундан чиқарилган каналлар ҳақидаги берган маълумотлари бошқа тарихчиларнинг умуман сугориш ишлари бўйича берган маълумотларидан анчагина кўпдир»<sup>13</sup> деб Огаҳий асарларининг географик маълумотлари баён этишда ҳам аҳамияти катта эканлигини уқдириб ўтган.

Шунингдек, В. В. Бартольд бошқа баъзи бир асарларни<sup>14</sup> ёзишда ҳам Огаҳийнинг бу асарларидан қисқача бўлса ҳам фойдаланган.

Академик В. В. Бартольддан сўнг, Урта Осиё халқлари тарихини, шунингдек, Хоразм, Туркменистон ва Қорақалпоқ ўлкасида яшовчи халқлар тарихини ўрганишга қизиққан олимлардан бири П. П. Ивановдир. П. П. Иванов ўзигача бўлган рус олимлари, шарқшунослари, сайёҳлари томонидан ёзилган асарларни ўқиш билан чеklangмади. У, Бартольддан сўнг маҳаллий шарқ тарихчиларининг қўлёзма асарларини ўрганиш асосида, Урта

<sup>12</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, Спб. 1914.

<sup>13</sup> Бартольд В. В., К истории орошения Туркестана, Спб. 1914, стр. 24.

<sup>14</sup> Бартольд В. В., Очерк истории Туркменского народа, Туркмения, т. I, Л., 1929.



Осиё халқлари тарихини ўрганиш ишини давом эттирди. Бу қўлёзма асарлар устида ва улардан фойдаланиб бир неча илмий асарлар ёзди. Биз юқорида Огаҳийнинг бу асарлари қорақалпоқ халқлари тарихи ҳақида бой маълумот беради ва уларнинг тарихини урганишда катта аҳамиятга эга деган эдик.

1935 йили биринчи марта П. П. Иванов томонидан Огаҳийнинг XIX аср Хива хроникаларида берилган қорақалпоқлар тарихига оид материаллар асосида ёзилган асари босилиб чиқди<sup>16</sup>.

Бу асар қорақалпоқлар тарихи ҳақидаги хроникаларнинг материаллари асосида ёзилган биринчи асар бўлиб, бу ҳақда қилиниши керак бўлган катта-катта ишларнинг бошланиши эди. Автор томонидан бу асарда Хива хроникаларида келтирилган материалларнинг бир қисмигина фойдаланилган холос. Огаҳийнинг Хива хроникалари билан танишган П. П. Иванов бундай деб ёзган эди: «XVIII ва XIX аср Қорақалпоқлар тарихи учун Урта Осиёда ёзилган тарихий асарлар ичида берилган материалларнинг кўпчилиги жиҳатидан, XVII аср бошидан 1872 йилгача бўлган воқеаларни баён этувчи XIX асрда ёзилган, Хива тарихи жуда катта аҳамиятга эгадир»<sup>16</sup>.

П. П. Иванов томонидан хроника материалларига асосланиб ёзилган бу асарнинг қорақалпоқ халқи тарихини ўрганишда аҳамияти катта бўлса-да, лекин бу асарда қорақалпоқ халқининг Хива хонларидан тортиб жабр-зулми, уларнинг мажбурий суратда ўз ватанларидан кўчирилишлари каби кўпгина бошқа масалалар ўз ифодасини яхши топмаган. Бу масалалар бўйича Хива хроникаларида етарли маълумот келтирилган.

Шунингдек, Огаҳий томонидан ижод этилган XIX аср Хива хроникаларининг туркман халқи тарихини ўрганишда ҳам аҳамияти каттадир. Чунки Хива хонлиги туркман халқи билан асрлар давомида бевосита муносабатда бўлиб келган. Албатта, бу муносабатлар XIX аср Хива хроникаларида ўз ифодасини топмасдан илжиди эди. Огаҳий томонидан ижод этилган тарихий асарларда туркманлар тарихига тегишли жуда кўп маълумотлар келтирилган. П. П. Иванов бу асарларнинг қий-

мати ҳақида бундай деган эди: «XIX асрда Урта Осиёда ёзилган тарихий асарлар орасида Хива тарихчилари Мунис ва Огаҳийнинг асарлари туркман тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир»<sup>17</sup>.

Ҳақиқатда ҳам бизга маълум бўлишича, XIX асрда ёзилган тарихий асарларда Огаҳий тарафидан ёзилган асарларда берилгандек, туркманлар тарихи бўйича тўлиқ ва муфассал маълумотларни учратмаймиз.

Шунингдек, П. П. Иванов ва А. К. Боровков XVI—XIX аср туркманлар тарихига оид қўлёзма манбалар ҳақида ўзларининг умумий мулоҳазаларини баён этар эканлар, Эрон тарихчиларининг асарларига ва Бухорода ёзилган тарихий асарларга қараганда, Огаҳий тарафидан ёзилган асарларнинг қийматини алоҳида уқдириб, «Мунис ва Огаҳийнинг XIX аср Хива хроникаларида Хива туркман муносабатларига ва туркманлар аҳволига кўп ўрин берилган»<sup>18</sup> деб кўрсатиб ўтадилар. Шунингдек, П. П. Ивановнинг вафотидан сўнг, унинг яқинида босилиб чиққан асарида<sup>19</sup> ҳам Огаҳий тарафидан тасниф этилган бу асарларнинг Урта Осиё халқлари тарихини ўрганишда энг қимматли қўлёзма манбалар эканлиги эътироф этилади. Шунингдек, у ўз асарининг XIX аср Хива хонлигига оид қисмларини ёзишда Огаҳийнинг бу асарларидан фойдаланган.

1938 йили СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти — коллективи томонидан Туркманистон Маориф Халқ комиссарлиги таклифига мувофиқ, қадим замонлардан бошлаб XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган туркман халқи тарихи бўйича икки томлик материал нашр этилди<sup>20</sup>. Бу тўпламга ўзбек, араб, форс ва тожик

<sup>16</sup> Шу асар, 44-бет.

<sup>17</sup> П. П. Иванов, Хивинские хроники XIX в. Муниса — Агехи как источник по истории туркмен; Материалы по истории Туркмен и Туркмении, М. — Л., 1938, II том, 23-бет.

<sup>18</sup> П. П. Иванов и А. К. Боровков, Несколько общих замечаний об источниках по истории Туркмен в XVI—XIX в. Материалы по истории туркмен и Туркмении, М. — Л., 1938, том II, 28-бет.

<sup>19</sup> Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии (XVI—середины XIX в.), Москва, 1958, стр. 231.

<sup>20</sup> а) Материалы по истории Туркмен и Туркмении, т. I, М. — Л., 1939.

б) Материалы по истории Туркмен и Туркмении, т. II.

<sup>16</sup> Иванов П. П., Очерк истории каракалпаков, Материалы по истории Каракалпаков, Инст. востоковед. Акад. наук СССР, т. VII, М. — Л., 1935.

<sup>16</sup> Шу асар, 44-бет.

тилларида ёзилган анчагина асарларнинг туркман халқи тарихига алоқадор бўлган қисмлари киритилган. Бу тўпламда Белазурийнинг «Қитоб футух ал-булдон», Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук», Ибн Хордадбехнинг «Қитоб ал-масолик ва-л-мамолик», Ибн Рустанинг «Қитоб ал-аълок ан-нафиса», Ибн ал-Фақийнинг «Қитоб ахбор ал-булдон», Қудаманинги «Қитоб ал-хараж», Ал-Маъсудийнинг «Қитоб ат-таърих ва-л-ашроф», «Қитоб муруж аз-зиҳаб», Истахрийнинг «Қитоби масолик ал-мамолик» Ал-Мақдисийнинг «Ахсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим», Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум», Абу Райҳон Берунийнинг «Қитоб ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-халия», Абу-л-Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақ», Маҳмуд Қашғарийнинг «Девони лугати турк», Ибн ал-Асирнинг «Ал-комил фит-тарих», Еқути Хамавийнинг «Қитоб муъжал ал-булдон», Алонддин Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушо», Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо», Рашидиддиннинг «Жомий-ат-таворих», Ҳамдуллаҳ Қазвинийнинг «Нузхат-ул-қулуб», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ-ус-саъдайн», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Искандар Мушвийнинг «Тарихи олам оройи Аббосий» ва бошқа кўпгина машҳур шарқ тарихчилари, олимлари, сайёҳлари географларининг асарларидан парчалар келтирилган. Булар орасида Огаҳийнинг юқорида номлари келтирилган қатор тарихий асарлари алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки Хива хонлиги асрлар давомида туркман халқи билан бевосита сиёсий, иқтисодий алоқада бўлиб келган. Шу сабабли, бошқа тарихий асарларга нисбатан Хива хроникаларида туркманлар тарихига кўп ўрин берилган. Шунинг учун туркманлар тарихини ўрганишда, Огаҳий асарларининг аҳамияти жуда катта деб дадил айта оламиз.

Шунингдек, Туркменистон ССР тарихини<sup>21</sup> ёзишда ҳам Огаҳий томонидан ёзилган бу асарлардан фойдаланилган. «XVII—XIX аср (Россияга қўшилган давргача) Туркменистон халқлари тарихини ўрганишда тарихий воқеаларнинг шохидлари томонидан ёзилган ўзбек ва форс тилларидаги асарлар алоҳида қийматга эгадир. Ўзбек тарихчиларининг асарларидан аввало Хива хони

<sup>21</sup> История Туркменской ССР. Ашхабад, 1957, том I, II.

Абулғозихоннинг (XVII аср), жуда кенг даври ўз ичига олувчи XIX асрда хивалик авторлар Мунис ва Огаҳийнинг асарларини кўрсатишга тўғри келади. Бу хроникалар XVI асрдан XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган даври ўз ичига олади»<sup>22</sup> деб китоб авторлари қўлёзма асарларнинг қийматига алоҳида эътибор берадилар. Огаҳийнинг бу тарихий, илмий асарлари, келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги ва аниқлиги жиҳатида қанчалик аҳамиятга эга бўлмасинлар, ҳозирча қўлёзма ҳолида қолиб келмоқдалар. Улардан маълум қисмига рус тилига таржима этилган, холос. Шу таржима туфайлигина бу асарларнинг маълум қисмини жамоатчиликнинг назари эътиборига тақдим эта олганмиз. Бу асарлардан тарихчиларимиз Урта Осиё тарихини ўрганишда кенг ва тўлиқ фойдаланмаганлар. «Хива хроникалари, XVIII—XIX аср Хива хонлиги ва туркманлар тарихи бўйича қанчалик бой маълумотга эга бўлишларига қарамай, ҳозиргача тарихчиларимиз томонидан кам фойдаланилган. «Материалы по истории туркмен и Туркмении» да берилган таржималар кўпчилик тарихчи ўртоқларга бу асардан фақат бир қисмини намойиш қилди»<sup>23</sup>.

Огаҳийнинг бу асарларидан Ўзбекистон ССР тарихини ёзишда асосий манбалардан бири сифатида фойдаланилган»<sup>24</sup>. Хива хонлигининг XVII—XIX аср тарихи, айниқса, Хивада Қўнғирот сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнгги давр тарихини ёритишда бу асарларнинг қиймати катта, чунки асарда Хивада Қўнғирот сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг рўй берган тарихий воқеалар ўтган даврларга нисбатан тўлиқ равишда баён этилган.

ЎзССР Фанлар Академиясининг корреспондент аъзо-си М. И. Йўлдошев ўз асарини<sup>25</sup> ёзишда, асосан, XIX

<sup>22</sup> История Туркменской ССР, Ашхабад, 1957, том I, Кн. I, стр. 8—9.

<sup>23</sup> Тихонов Д. И., Восточные рукописи Института востоковедения, Ученые записки института востоковедения, том VI, М.—Л., 1953.

<sup>24</sup> а) История Узбекской ССР, Ташкент, 1955, том I, кн. I, стр. 516.

б) История Узбекской ССР, Ташкент, 1956, том I, кн. II, стр. 70, 71, 167.

<sup>25</sup> Йўлдошев М. И., Землевание и государственное устройство феодальной Хивы в XIX в. Автореферат докторской диссертации, М.—Л., 1953.

аср Хива хонлигининг архив материалларига асосланган бўлса-да, Огаҳийнинг бу асарларидан ҳам фойдаланган.

Неъматов Т. ўз асарида XIX асрнинг I ярмида Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихига тўхтар экан, уни асосан босилиб чиққан асарлар асосида ёритган. Шунингдек, маълум масалаларни ҳал этишда Огаҳийнинг асарларида берилган материаллардан ҳам фойдаланган<sup>26</sup>.

ЎзССР Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси, проф. Я. Ғ. Ғуломов, қадимги замонлардан то ҳозиргача Хоразмда бўлган суғориш ишлари тарихига бағишланган илмий монографияни<sup>27</sup> ёзишда, совет археология фани ютуқларига асосланиш билан бир қаторда, шарқда яратилган қўлёзма манбалардан, тарихий асарлардан кенг фойдаланган. Машҳур шарқ тарихчилари, географлари, сайёҳлари, олимлари Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Мухаммад ал-Беруний, Абулғозий, Рашидиддин, Хофиз Абу, Ибн ал-Асир, Табарий, Наршахий, Ибн Руста, Истахрий, Мақдисий, Еқути Ҳамавий, Жувайний, Низомиддин Шомий, Ибн Батута ва кўпгина авторларнинг илмий, тарихий асарларидан фойдаланганидек, Огаҳий асарларида суғориш ишлари масаласи бўйича берилган материаллардан атрофлича фойдаланган. Огаҳий асарларида берилган материаллар, бошқа тарихий асарларда (Қўқон, Бухоро, Эронда ёзилган асарларда) учрамайди. Хоразм халқлари тарихини ўрганишда ягона манба ҳисобланган бу асарлар, XIX аср Хива хонлигига қарашли территориядаги суғориш ишлари тарихини ўрганишда ҳам ягона манбадир. Автор бу асарларда Хоразм ва қисман унга қўшни ўлкаларда бўлган суғориш ишлари тарихига муфассал тўхтаб, дарёлар, каналлар, янги қишлоқлар, боғлар ва шунга ғишаш масалалар бўйича кўпгина маълумотлар келтиради.

Проф. Я. Ғ. Ғуломов бундай деб ёзади: «Хоразмда кейинчалик бўлиб ўтган тарихий воқеалар, янги ерларни ўзлаштириш масалалари ва ирригациянинг ривожланиши Хеванинг бой солномаларида ёритилади. Бу сол-

<sup>26</sup> Неъматов Т., Хива билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар /XIX асрнинг 20—50-йиллари/, Тошкент, 1957, 138-бет.

<sup>27</sup> Я. Ғ. Гулямов, История орошения Хорезма, Ташкент, 1957.

номаларни бирин-кетин «Мунис» таҳаллуси остида ёзган Авазбий ўғли Шермухаммад мироб (1778 йилда туғилиб, 1829 йилда вафот этган); Эрннбозбек ўғли Мухаммад Ризо мироб, «Огаҳий» таҳаллуси остида машҳур бўлган (1809 йилда туғилган ва 1872 йилда ўлган); Баёний таҳаллуси остида ёзган Бобожонбек ўғли Мухаммад Юсуф (1859 йилда туғилиб, 1923 йилда вафот этган) тузганлар.

Мунис ва Огаҳий Хива саройининг шoirлари ва расмий тарихчилари бўлиб, улар авлоддан авлодга саройнинг бош мироби унвонини олганлар. Аммо бу оддий фахрий унвон бўлмаган. Биз бунини уларнинг асарларида очиқ кўраемиз. Хонликда магистрал каналлар бош қисмини тартибга солиш, тўғонлар қуриш, янги қурилаётган каналларнинг трассасини белгилаш ва шу каби алоҳида муҳим ишларга бошчилик қилиш, ана шу юқори мартабали шахсларнинг вазифаси эди. Хоразм каби асосий фаровонлиги суғорма деҳқончилик қилиш билан боғлиқ бўлган мамлакатда ирригацияга ғамхўрлик қилиш давлат иши эди.

Бундан ташқари, Мунис ва Огаҳий асарларида Хоразмда сув билан таъминланишнинг ривожланишини аниқлашда маълум бир тенденция сезилади; авторлар расмий тарихни баён қилганда, ҳар бир кулай шароитдан фойдаланиб, у ёки бу канал ёки дарё тармоғининг ривожланишини гапириб ўтишга ҳаракат қиладилар.

Мунис Абулғозихон бошлаган Хива хонлиги тарихини давом этдирди. Бу ишни бажарар экан, у ҳам бу асарнинг одатдаги афсонавий ривоятдан бошлади. Абулғозининг ёзган қисмини жуда ҳам қисқартирди ва 1812 йил воқеалари билан тамомлади. Муниснинг жияни ва шогирди бўлмиш Огаҳий унинг «Фирдавс-ул-икбол» асарини давом этдирди ва 1825 йил воқеалари билан тамомлади. Хонлиқнинг 1872 йилгача бўлган кейинги тарихини Огаҳий бешта алоҳида китоб қилиб ёзган. Бу китобларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади<sup>28</sup>.

Биз Огаҳийнинг бу асарларда берилган маълумотларга танқидий кўз билан қарашимиз керак. Бу маълумотларни изчил ва илмий асосда ўрганиб, керакли даражада хулосалар қилишимиз керак.

<sup>28</sup> Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғориш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, 1959, 13-бет.

Албатта, феодализм истибодди ҳукм сураётган бир даврда яшаган ва ижод этган сарой тарихчиси Огаҳий ўз асарини ҳоким синф талабига мувофиқ қилиб ёзган ва шу тарзда ёзишга мажбур бўлган. Огаҳий ўз асарларида ҳоким синф вакиллари, яъни хонни ва унинг яқинларини ҳаддан ташқари мақтайди. Уларнинг ярамас ишларини, камчиликларини мумкин қадар четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Хоннинг шон-шавкати, унинг томонидан ташкил қилинган базмлари, тўйлари, хоннинг овга чиқишларини муболага билан тасвирлайди ва бундай масалаларга ўз асарида кўп ўрин беради. Бу ҳақда Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг «Хоразм тарихи» номли асарида бундай деб ёзган эди: «Аммо дарингким, муаллифлар (Мунис ва Огаҳий — Қ. М.) ҳукумат аҳлига хушомад сўзлар ёзиб, неча-неча айбларин мастур этиб эрдилар».

Огаҳий узоқ вақт умр кўрди. У бешта хонлик даврида яшади. Уларнинг ҳаммасига атаб алоҳида-алоҳида юқорида номлари келтирилган асарларни ёзди. Унинг ҳамма асарлари, шарқ тарихчиларининг аъёнасига мувофиқ, ҳамд, наът ва хонни мақташ билан бошланади. Сўнгра, у ёки бу хоннинг туғилиши ҳақида гапириб, бевосита хонликнинг тарихини ёзишга киришади. Огаҳий ўз асарларида айниқса хонни ва унинг яқинларини мақташда ҳар қандай мақтовли сўзларни аямайди. Ҳатто хонни юртга ободончилик, тўқлик, саломатлик, осойишталик келтирувчи бир адолатли киши сифатида тасвирлайди. У ўзининг «Гулшани давлат» асарида хонни: «Ҳазрат соҳибқирон, Сулаймон макон, Искандар нишон, Фаридуни замон, хайдари даврон, фармон фармойи жаҳон, матбуъи ифроди дониши жон, соҳиб ас-сайф... муассаси бунён ас-саодат ва-иқбол, бонси ами ва амон, моҳийи зулм ва тугён, рофъи аъломи адолат ва ихсон...

#### Маснавий:

Шоҳи соҳиб қирону чархи даргоҳ,  
Маънаи парвардан касрӯи миқоллоҳ  
Жалолат буржида тобонда ахтар,  
Адолат дуржида равшанда гавҳар,  
Ўтиб хушкӯш бошқиде қулоҳий,  
Салотки бошларидур хокк роҳий.

Бағишлаб шоҳларга лутф ила тож,  
Жаҳон амлокидин аҳз эткувчи бож.

...султон ибн Султон абул-музаффар ва ал-мансур Са-  
йид Муҳаммад баҳодирхон хоразмшоҳ...

«Ки сабт айлай олиб илкимга хома,  
Шаҳи даврон отига шоҳнома,  
Қаю шаҳ шоҳларнинг сарфарози,  
Адолат оламининг корсози,  
Қадар кудрат қазо қути шаҳаншоҳ,  
Қамар раъю қуёш фикрат фалак шоҳ,  
Саховатда келиб Хотам гадоси,  
Бўлиб рифъатда гардун хок поси,  
Сулаймон хишмату, Баҳром савлат,  
Скандар шавкату, Рустам шижоат,  
Эрур дарғаҳининг гарду губори,  
Салотин бошини тож ифтиҳори,  
Жаҳон бону жаҳонгиру жаҳонжўи,  
Жувонбахту жуванмарду жуванрўи,  
Қилиб алтоф ила факр аҳлини шод,  
Мамоликни адолат бирла обод»

деб хон ва унинг атрофини ўраган лаганбардорларни ҳаддан ташқари мақтайди. Огаҳийнинг «Риёз-ад-давла», «Зубдат-ут-таворих», «Жомий-ул-воқеоти султоний», «Шоҳиди иқбол» асарларида ҳам шу юзаки мақтовларни учратамиз.

Огаҳийнинг бу асарлари ҳоким синф манфаатларига ва талабларига мос қилиб ёзилган. Шунингдек, автор ўз асарида хоннинг тутган сиёсатини маъқуллайди. Огаҳий ўз асарларида Хоразм хонларига бўйин синишдан бош тортган, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашган қўшни халқларнинг ҳатти-ҳаракатларини маъқулламайди.

Чунки феодал сарой тарихчиси бўлган Огаҳийдан Хива хонларининг қўшни туркман, қорақалпоқ халқларига, шунингдек, Хуросонда ва бошқа ерларда яшовчи халқларга нисбатан тутган босқинчилик, таловчилик сиёсатини хаспўшлаш талаб қилинар эди. Огаҳий ўз асарларида Хива хонлигининг босқинчилик сиёсатига қарши қўшни халқларнинг мустақил ҳаёт кечириш учун олиб борган курашларини ярамас, нотўғри иш деб тушунтиришга ҳаракат қилади. У мамлакатларнинг Хоразм хон-

лари томонидан босиб олиншини, халқларнинг эксплуатация қилиншини, ўзларининг маҳаллий феодаллари томонидан эзилибгина қолмай, балки Хива хонлари томонидан ҳам азоб-уқубат чекишларини тўғри деб билади. Огаҳийнинг бу фикрини унинг «Гулшани давлат» асарларида келтирилган куйидаги маълумотидан аниқлаш қийин эмас: «Қорақалпоқ тавоифи орасида Қўлдовли Эрназарбекким, бурундин хамир мойи фасод ва муҳаррики силсилаи инод эрди, адоват ва хусумат пайдо қилиб, ўз тавобитидин 700 уйлик чоғлиғ қорақалпоқни атрофига йиғнаб, маҳкам қалъа солиб ўлтирмиш эрди. У, залолати адабий, шақоват сармади балосига гирифтор ва азалда азоби ухро ва ғазоби самадийга сазовор эрди».

Огаҳий асарларида ана шу қўшни халқларга нисбатан юқорида келтирилгани каби ҳақоратомиз сўзларни учратамиз. Огаҳийнинг ва унинг томонидан ижод этилган асарларнинг нуқсонни шундан иборатки, аввало асарлар ҳоким синф манфаатига мос қилиб ёзилган бўлса, хоннинг гуноҳсиз қўшни халқ устига қилган ҳужумлари ва уларни эксплуатация қилиши мумкин қадар хаспўшлаб ўтилган.

Лекин Огаҳий асарларини ҳоким синф талабига мувофиқ равишда ёзилганлиги, хонларни мақташи, уларнинг тутган сиёсатининг маъқуланиши сабабли, бу асарларда воқеалар бир тарафлама ёритилган, асарлар Урта Осиё, шунингдек Хива хонлиги тарихини ёритишда аҳамияти кам деб қараш ҳам хатодир. Чунки бу асарлар ўз даври ва муҳитининг натижасидан келиб чиққан бундай жиддий нуқсонларига қарамай, XIX аср (1813—1872) Хива хонлиги тарихини ўрганишда аҳамияти жуда каттадир. Бу давр тарихи Огаҳийдан бошқа маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган эмас. Бу давр тарихи бўйича Огаҳийнинг тарихий асарлари ягона манба бўлиб ҳисобланади.

Огаҳийнинг «Риёз-ад-давла», «Зубдат-ут-таворих», «Жоми-ул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиди Иқбол» номли асарларида Хива хонлигининг Муҳаммад Раҳим, I/1806—1925, Оллоқулихон /1825—1843, Раҳимқулихон /1843—1846/, Муҳаммад Аминхон /1846—1855/, Абдуллохон /5 ой/, Қутлуқмуродхон /7 ой/, Саид Муҳаммадхон /1856—1865/, Муҳаммад Раҳимхон II /1865—1910/ лар ҳукмронлик қилган даврдаги /1813—

1872/ йилгача сиёсий тарихи мукаммал равишда хронологик тартибда баён этилгандир.

XIX асрда Қўнғирот сулоласидан Хива тахтида ҳоким бўлган юқорида номлари келтирилган хонлар даврида туркман ва қорақалпоқ халқларини Хива хонлигига қўшиб олиш учун бўлган курашлар, Хуросон учун Эрон шоҳлари билан бўлган курашлар тўлиқ равишда баён этилади.

Огаҳий ўз асарларида фақат сиёсий тарихни ёзиш билан чекланмади. Унинг асарларида хонликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир маълумотлар ҳам оз эмас. Шунингдек, Огаҳий асарларида феодализм давридаги ўзаро феодаллар ўртасида тож-тахт, мол-мулк учун тўхтовсиз бўлиб турган қонли курашлар ва бу курашларнинг салбий натижалари, халқнинг оғир аҳволи, очлик-яланғочлик, хонларнинг босқинчилик ва таловчилик сиёсати ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар берилган.

Хива хонлари мунтазам равишда қўшни мамлакатларга ва халқларга ҳужум этиб турганлар. Албатта, улар ҳам Хива хонлигига юриш қилганлар.

Огаҳийнинг «Риёз-ад-давла» асарини ўқир эканмиз. Оллоқулихон (1825—1843) даврида асосан Хуросон ерларини босиб олишга ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Шу даврда Хива тахтида ҳоким бўлган Оллоқулихон, шахсан ўзи бошлиқ бир неча марта Хуросон ерларига ҳужум қилди. Баъзи бир шаҳарларни вақтинча бўлса ҳам босиб олишга муваффақ бўлди, баъзи бир шаҳарларни, қалъаларни вайрон қилди ва уларда яшовчи халқларни талади.

Оллоқулихон ўзининг Хуросон ерларига қилган ҳужумларида дин ниқоби остида ҳаракат қилди. Асосий мақсад бошқа халқлар ҳисобига территорияни кенгайтиш ва бойлик тўплаш бўлиб, гўёки, қизилбошлар (эронликлар) билан кураш «ғазот» курашидир, деб халқни аллади. Огаҳийнинг «Риёз-ад-давла» асарини ёзишича: Ҳазрати аъло ҳоқон... (Оллоқулихон — Қ. М.) тиладиким, куйфори Қожорким, мункири дини мубни ва раҳнагари шаръи матиндурлар; аларнинг индиғоъ ва инғидоми учун сария юборгай. Нединким ҳар йил аҳли исломга куйфори нофаржомнинг истиксор ва истийсоли учун жаҳд тамом зухурга еткурмак, ғазв ва жиҳод яқронин дорул-ҳарб майдонига сурмак... вожибдур». Ана шундай ўзининг қабиҳ ниятларини, босқинчилик сиёсатини дин

ниқоби остида юритган Оллоқули шахсан ўзи бошлиқ Эрон устига беш марта юриш қилди. Ундан ташқари ўз биродори Раҳмонқули тўра бошчилигида ҳам аскар юборди.

1253/1837—1838 йили Оллоқулихон Хуросон ҳужумидан Хоразмга қайтиб келгандан сўнг, Муҳаммадшоҳ Қожор «Гурён қўрғонини босиб олади ва кўп сонли аскар билан Ҳирот сари юради. «Ўзидан илгари Оллоёрхон Осафқим, ўзининг тоғаси ҳам вазири эрди, ани тахминан 10.000 нафар сипоҳ... билан тоифаи Оймоқ, Ҳазора чапаули ва Маймана қалъаси элтонинг татовулига буюрди. Анинг изидан ўзи дағи жунуди номаъдуд... билан Ҳирот хисори сориким... таважжуҳ маркибин сурди. Неча кун қалами суръат билан қатъи масофат қилиб, мазкур қалъанинг атрофига ҳалқавор ихота қилиб тушти. (Икки тараф лашқари ўртасида ҳар кун ируш воқеъ бўлар эди).

#### Маснавий:

Бўлиб муштағил ҳарби парқош ўти,  
Ки дўзахнинг андоқ эмас фош ўти.  
Ул ўтга улус жони бўлди ўтун,  
Бадавлар куйиб кўкка чиқди тутун...  
Неча кун уруш бўйла бўлди гён,  
Неча кун тўқудди аро ерда қон...  
Узолиб урушга баси имтидо,  
Юзни очмади бир тарафга мурод.  
Чун муҳосара айёми узоқга чекти.

Аввало Хива хони Оллоқули ўзи бошлиқ Ҳирот тарафига юрмоқчи бўлади. Огаҳий ўзининг «Риёз-уд-давла» сардада «Ҳазрати хони мағфур аввалдин худ ғазот иродаси савобининг талаби ва куффор уруши маърақасининг роғоби эрди» деб, Хуросон ерларига ҳужум этишда, уларни босиб олишда хоннинг савоб ниқоби остидаги асосий ташкилотчи эканлигини кўрсатади. Ҳирот узоқ вақт қамалда қолгандан сўнг, ёрдам учун Муҳаммад Юсуф неҳтар (вазир) бошчилигида ёрдам юборилади. Муҳаммад Юсуф неҳтар Марада турган пайтида яна ишларни яхши ташкил қилиш ва «ғазот» савобини яхши тушунтириш учун қови Муҳаммад Соляқ эшон ва Хожа шайх-қаслом ва бошқалар ёрдамга юборилади.

Шундай қилиб, дин ниқоби остида Хива хони билан Эрон шоҳи ўртасида бошланган феодал курашлар узоқ вақт давом этади.

Энди биз бу масала юзасидан Огаҳийнинг «Зубдат-таворих» асари билан танишиб кўрайлик. Оллоқулихондан сўнг Хива тахтига келган Раҳимқулихон (1843—1846) даврида ҳам Эрон шоҳи билан бўлган кураш давом этди. Ундан ташқари Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида ҳам кескин феодал курашлар давом этди.

Огаҳий ўзининг «Зубдат-ут-таворих» асарида Оллоқулихоннинг ишини давом эттирган Раҳимқулихоннинг «одати марзияси ва ҳислати олияси ул эрдиким... ҳар йили ўз нафси нафиси билан куффор жиҳодига отланур эрди. Қайси йил ким отланмаса «ғазот» савоби таҳсили учун ўз тарафидан умаройи изомдин бировни солори лашқар қилиб, сипоҳи зафар илтизомни ғазот амрига маъмур этар эди» деб ёзади.

1257/1842 йили Раҳимқулихон ўзи бошлиқ кўп сонли аскар билан «ғазот» савоби ниқоби остида Хуросон ерларига юриш қилди. «Зубдат-ут-таворих»да кўрсатилишича, бу юришда «Жамшидия тавоифининг мавотини ва масокини Хуросон вилоятидан Бодайш мазофотида Қушак ва Қора тўпа отлиғ мавзуъда эрди». «Тағлиси яқшанба куни Жамшидия тавоифидини 15.000 ўйликдин зиёдроқ элотни кўчириб... Хоразм сари ирсол қилди...» «Бу нусхан мухтасарини ўқугучи арбоби фазл ва ҳунарға маълум бўлсинким, Жамшидия тавоифини Хоразм дийрига келтурулгандин сўнг, Қилич Ниёзбой наҳрининг бир шуъбаси канорида Қуба тоғининг жаиубида ул тоифага маскан ва мазориъ таъйин қилди... Ул жамоадин 2000 навар рикоби ҳумоюн мулозиматин қилиб, ғайрат ва шужоатда ўзга лашқариядан мумтоз ва мустаснодурлар».

Огаҳийнинг ёзишича, тўёки Жамшидия тоифаси Хива хонига уларни Хива атрофида кўчириб кетишни сўраган эмишлар. Қандай қилиб улар ўз хоҳишларича уй-жойларини, экин экинларини, ерларини ташлаб, бошқа бир янги жойга кетишни ва бошқа ҳоким қўлига ўтишни орзу қиладилар. Бу ишдан уларга қандай маиғаат бўлиши мумкин эди. Буларни кўчириб келишдан мақсад арзон иш кучидан фойдаланиш, эксплуатация қилиш, бойликни кўпайтиш бўлган. Хон бу билан чекланиб қолмай, улардан махсус одамлар ажратиб, ўз армияси сонини

кўпайтирган. Улардан ўз сиёсатини ўтказишда мақсадга мувофиқ фойдаланган.

Ундан сўнгра мазкур хон 1258/1843 йили ўзи бошлиқ Чоржўйга хужум этди. «Чун Ҳазрат (Раҳимқулихон — Қ. М.) синоҳи бешумор... билан... жума куни чошгоҳда Чакас қалъасига етди. Ул мавзуьда лашкария аснофини фавж-фавж ва даста-даста қилиб, атроф ва жавониб элтонини ғорат ва торожига рухсат берди.

#### Маснавий:

Шоҳи Русгам шуқуҳи Жам салобат,

Чу берди ғорату яғмога рухсат:

Хамул кун пешин чоғи чапавулга кетган синоҳ...

атроф ва жавонибдан фавж-фавж, гуруҳ-пуруҳ усаройи бепоён ва ғанонми фаровонга мутассаруф бўлиб келдилар.

Кейинчалик Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида кураш кучайди. Муҳаммад Амин Иноқ бошчилигида 1259/1843 йили Бухоро устига бўлган юришда Огаҳий ҳам қатнашганлигини ёзди.

Огаҳийнинг «Зубдат-ут-таворих»да ёзишича, Бухоро хони Амир Насрулла Хива хонлигига юриш қилиб Ҳазо-васмини қамал қилганда, Сақар жамоаси Хива хонлигига тегишли ерларни талаган эдилар. Амир Насрулла Бухорога қайтгандан кейин Хива хони Кўҳна Ургенчга келди ва у жамоадан тезликда 10.000 тилла ёрғу йиғишни буюрди ва йиғдириб олди.

Амир Насрулла билан муносабат бузилгандан сўнгра, Хива хони Бухоро ерларини талаш ва ғорат қилиш учун махсус армия тайин қилди. Улар маълум вақт мунтазам равишда хужум этиб турдилар.

Бу юқорида келтирилган Огаҳий томонидан ёзиб қолдирилган мисоллардан маълум бўладики, XIX асрда Урта Осиёдаги хонлиқлар ўртасида мунтазам равишда феодал курашлар давом этган. Бу хонлиқлар ўртасида, феодалларнинг орасида давом этган бу қонли курашлар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ўзининг салбий таъсири-ни кўрсатар эди.

Бу курашлар натижасида мамлакат хонавайрон бўлар, кундан-кунга феодал эксплуатацияси кучаяр, халқнинг молдий ва маънавий аҳволи ёғирлашар, гуноҳсиз халқлар талғонар, бекорга азоб чекар, ўз юртларидан мажбурий

равишда кўчириллар, бола-чақалари билан ўлимга маҳкум бўлар эдилар. Огаҳий асарларида хон аскарларининг баҳодирликларини ва қаҳрамонликларини тасвирлаш баробарида, уларнинг қўшни халқларга нисбатан тутган босқинчилик, таловчилик сиёсати, ҳеч қандай айбсиз халқларнинг хон томонидан таланишлари ҳақида жуда яхши фактлар келтирилган.

Шунингдек, Огаҳий ўзининг Муҳаммад Аминхон (1846—1855) даврида бўлган воқеаларни ўз ичига олувчи «Жомий-ул-воқиоти сумоний» номли асарида ҳам, Хива хонларининг қўшни халқларга нисбатан тутган босқинчилик сиёсати, уларнинг ерларини босиб олишга ҳаракат қилганликлари ҳақида гапирди. Бу асарда Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг Марвни босиб олишга қилган ҳаракатини кўрамиз.

Муҳаммад Аминхон 1263 (1846—1847) йили Сарахсда яшаётган така тоифаси устига юриш қилди. Улар Хива хонига бўйсунтирилган бош тортиб, Бухоро амира билан яхши алоқада эди. Аввало хон аскарлари Байрамалихон қалъасини қамал қилдилар. Лекин у ерни босиб ололмади «аломони нусрат қарин... (Муҳаммад Амин аскарлари — Қ. М.) мур ва малах лашкаридек атроф ва жавонибдан бир манзиллик ергача аҳли инод ва арбоби фасоднинг мазраа ва экинларин поймоли мароқиб ва лакад кубн мовоқиб қилиб, хирман умидларин маҳрумлиг шамолига совурдилар».<sup>29</sup> Хон бошлиқ аскарлар у ердан кўчиб, Марв дарёсининг шимоли-жанубида бир қўл атрофига келдилар. Сўнгра «Низ Муҳаммад бой қалъаси атрофига бориб сурон солдилар. Арбоби нифоқ дағи номус юзидин отлиғ ва яёқ хужуми тамом била чиқиб, баҳодирларга муқобил бўлиб, саваш ва талош русумини зуҳурга еткурдилар. (Лекин кучлари етмай қалъага бекиндилар). Панжшанба куни хукми воло (Муҳаммад Амин — Қ. М.) мужиби била вазир олий ниҳод... Ота Мурод қушбеги оммаи лашкарияга буюриб, дарёнинг бандин йиқтуруб, сувни аввалги рудхонасига жорий қилдурди, токим аҳли фасоднинг мазраъайи умиди сувсизлик жиҳатидан куриб, аҳволига усрат ва суъубат юзлангай. Жума куни издиҳоми маҳшар низом била кўчиб, қалъа-

<sup>29</sup> Огаҳий, Жомий-ул-воқиоти султаний, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 9786, варақ 109а.

нинг орқа кун ботар тарафида бир мазраа орасига тушиб, асокири давлат нишон балойи ногаҳон янглиғ пишган бугдой ва ўзга экин ғоратиға мубодарат кўргузуб, барчасин поймоли чапавул ва дасти фарсуди татовул қилиб, арбоби залолнинг изрорига саъй ва иштиғол кўргуздилар». У ердан кўчмай туриб, аскарлар «экин ғоратиға татовул қўлини узатиб, кўп мазруот ва махсулотни поймоли чаповул қилдилар. Якшанба кун мавкаби ҳумоюн ҳамул мавзудин кўчиб, қалъанинг кун ботар тарафидаги зироатгоҳни мааскар қилиб, чирик аҳли экин торожига ҳужум овар бўлдилар. Ҳамул кун Сараҳе қалъасидан кўп оглиғ аҳли иноднинг кўмак ва имдодиға келиб, қалъадан ҳужуми тамом ва ғавғойи омма била чиқиб савош ва фархош талаб бўлиб, майдондорлиғ кўргуздилар».<sup>30</sup> Хон аскарлари билан у ердан кўчиб, қалъанинг ғарб томонида жойлашган бир кгл атрофиға тушди. «Аҳли фасод тавойифидан Самаидук тоифасининг бугдой ва ўзга экинни поймоли марокиб ва лакад куби мавоши қилдурдилар».

«Чун 14 кун муддатида Марв вилоятининг аксари масокин ва мазориён жунуди номаъдуд марокибининг лакад кубидин хароб ва нобуд бўлди»<sup>31</sup>.

Муҳаммад Аминхон Марвни босиб олиш ниятида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмади. Улар устиға юриш қилди. Лекин у ерда яшаётган халқ ўз озодлигини сақлаб қолиш учун қаттиқ курашдилар.

Огаҳийнинг ёзишича, бу курашда ҳатто бутун халқ кўтарилиб, хон аскарларига қарши курашганлар. Бечора пуноҳсиз халқлар бекорга қурбон бўлганлар. Пишиб турган экинларидан, меваларидан ажраб, қалъаға қамалганлар. У экинлар эса атайлаб отларнинг оёғи остида пайхон ва ер билан яксон қилинган. Уларни сувсизликда ҳалокатға учратиш ва экинларини сувсизликдан қуритиш учун хон буйруғиға мувофиқ оқиб турган сувлар тўхтатилган. Лекин шунга қарамасдан Муҳаммад Амин Марвни босиб олишға муваффақ бўлмади. Марв халқи бу гал ўз озодлигини сақлаб қолди.

Огаҳийнинг яна бу асарида ёзишича, Муҳаммад Аминхон 1264 (1847—1848) йили иккинчи марта ўзи бошлиқ Марв устиға юриш қилди. У йўл-йўлакай аскарларға

<sup>30</sup> Уша асар, Инв. № 9786, варақ 1106.

<sup>31</sup> Уша асар, Инв. № 9786, варақ 1126.

Марв атрофидаги қишлоқларни ва қалъаларни галатди. «Бугбош оншасининг шарқий жонибиға етиб, саҳар ҳангомида аксари туркмония ва баъзи ўзбакния аломонин.. Марв қалъасининг атроф ва акнофи чапавулиға номзад қилдилар. Тоқим аҳли «фасод» кавкабан жаҳон паймо вурудидан огоҳлиқ топмасдин бурун барча амвол ва мавоши, жамиъ асбоб ва хавошисин поймоли чапавул ва дасти фарсуди татовул қилғайлар... Ҳазрат (Муҳаммад Аминхон — Қ. М.) дағи ўз нафси нафиси била мазкур бўлгон аламоннинг изидин... якшанба кун Марв сувининг оёқига чиқиб, Сарик «муфсидлар»нинг мазориёидин бир улғ мазраа устидин доҳил бўладиларким, анда ниҳоятсиз жувори ва ғоятсиз қовун ва ҳар нав экин ҳаддин афзун етилиб пишиб эрди. Ул мазрааға тушуб... рикоби ҳумоюндаги афвожи қоҳираға зироат аснофи ғоратиға рухсат бердилар. Ҳамул кун чапавулға маъмур бўлгон аламон фавж, фавж ва пуруҳ-гуруҳ бўлиб, ҳар фавж ва ҳар гуруҳ бир тарафға озим бўлиб... арбоби фасоднинг элот ва ахшомиға қазон мубрам янглиғ тўкулиб хисом хун ошом дамин аъдойи нақбат анжом қонидин сероб... қилиб куштадин пушталар кўтардилар.

#### Маснавий:

Бўлиб куштадин пушталар ошкор,  
Фалак пуштасини қилиб шармисор.  
Бўлиб ер юзи ғарқи дарёи хун,  
Шафақ зайли андин бўлиб лолағун.

Аксари аҳли фасоднинг... бошин... жасадинин жудо қилиб, баъзисин асирлик қайдига чекиб, аснофи мавоши ва анвон хавоши ғаноими билаким, тил анинг тийлодидин қосир ва ақл анинг идрокидин мутаҳаййир эрди. Фармон... мужаби била келган асирлар дағи сиёсат тифи зарбидин адам уқибатгоҳиға борди.

#### Маснавий:

Кесук бошдин ўкулиб неча хирвор,  
Ва лекин ҳар биридур кўҳ осор.  
Ғаноим касратидин дашт ўлиб танг,  
Ҳирад аҳли ҳисобида бўлиб данг.  
Қўю тева ҳаду имкондин ортуқ,  
Бўлубон ўзга ашё андин ортуқ».



Муҳаммад Аминхон бошлиқ Хива аскарлари Марв вилоятида яшовчи халқларга қанчалик жабр-зулм қилмасинлар, қанчалик зўрлик қилмасинлар, уларнинг мол-мулкларини таламасинлар, уй-жойларини вайрон қилиб, бола-чақаларини асир олмасинлар, эккан экинларини туёқ остида пайхон этмасинлар, барибир хонга қарши қаттиқ туриб курашдилар. У ердаги феодаллар бошчилигида бутун халқ кураш учун оёққа турди. Огаҳий бу ҳақда «Жомий-ал-воқеоти султоний» асарида бундай деб ёзади: «Чун аъдо (сариқлар — Қ. М.)... шитоб ва истиъжол кўргузиб отлиғ ва яёқ қўлларига асбоби харб ва олоти зарб олиб, ағниё ва фуқаро, атфол ва зуафо барча бирдин хужум овар бўлиб, хайъат ижтимоъ бўлиб, шужаойи зафар парварнинг ўтрусига қаршу чиқтилар. Баҳодирлар... шамшири буррон ва синони ажал нишон зурубидин сарафшонлиғ ва жон стонлиғ кўргуздилар. Муонидлар (Сариқлар — Қ. М.) дағи мухораба амиридин илк чекмай то ўлпунча талош ва савош расмин тақдимға еткуруб, ҳамул кун субҳдин то шом жанг мағлуба воқиъ бўлди. Охириламр сипоҳи нусрат нишон (хон аскарлари) ғолиб бўлиб, барчасин тиги бе дариг дамидин ўткардилар.

#### Маснавий:

Шижат аҳли тортиб жаҳдила тиг,  
Кесиб ҳар ён адабсиз бошларни.  
Қолиб қон мавжи нчра тоғ саҳро.  
Саросар тоғ саҳро бўлди дарё».

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, бу курашда эркакларгина қатнашмай, ёш болалар ва хотин-қизлар ҳам қўлига қурол олиб мардонавор курашганлар. Огаҳийнинг кўрсатишича, 1269/1852—1853 йили хон тарафидан Марв ерларини талаш учун юборилган аскарлар «...Тахминан 40.000 чоғлиғ тева ва 80.000 чоғлиғ қўй ва ўзга навъ мол ва ашёдин дағи кўп ўлжа ғанимат тасарруфлари илқиға тушуриб, Хоразм жонибига сурдилар».

Шундай қилиб, Муҳаммад Аминхон Марвни босиб олиш учун мунтазам равишда юриш қилди. Дашти Қипчоқда яшаётган қozoқлар устига ҳам хужум қилиб турди. Охирида Марв устига еттинчи марта юриш қилган хон аскарлари қаттиқ қаршиликка учради. Бундай хавф-

хатарда умр кечираётган халқ ўзларига ўлимни афзал билиб, хонга қарши астойдил курашдилар.

«Қалъанинг ичидаги барча улуг ва кичик, эру хотин иттифоқ била ўлимга кўнгил қўйиб, пиёда ва сувора қалъадан чиқиб хайъат ижтимоъ билан фидойивор ҳамлалар қилиб, ўзларин лашкари нусрат асар (хон аскарлари — Қ. М.) сафига еткурдилар. (Хон) лашкарининг буронғари шикаст топиб, хазимат тариқига юз урдилар. Ул ҳол мушоҳадасидин сафнинг қалбгоҳи дағи бузулиб, барча лашкария уруш майдонидин фўй гардон ва мутафарриқ ва паришон бўлдилар».

Бу урушда хон ўзининг яқинлари: бир неча шоҳзода, Аваз Хожа, шайх-ул-ислом, Раҳмонберди қози ва бошқалар билан ҳалоқатга учрадилар.

Туркманларнинг Хива хони устидан ғалаба қилишлари, Муҳаммад Аминхоннинг ўлдирилиши, аҳволни бутунлай ўзгартириб юборган эди. Яна хонлиқнинг ичида ва туркманлар билан феодал курашлар авж олган эди. Бу курашларда туркман — човдурлар, айниқса ёвмутлар, актив иштирок этган эдилар. Хива хонлигининг ичида тахт-тож учун авж олган кураш яна шундан маълум бўладики, Тангри Қули тўра ва Абдулазиз тўралар, Қалотдан қочиб келган ва хон саройида ором олган Қалот ҳокими Жаъфар Қулихон билан биргаликда Муҳаммад Аминхон ўлдирилгандан сўнг давлат тепасига келган Сайид Абдуллохонни ўлдиришга киришдилар. Лекин сир очилиб қолиб, жаллод қўлида каллалари кесилди.

Бир оз вақт ўтмай давлат тепасига келган Сайид Абдуллохон ҳам туркманлар томонидан ўлдирилди. Сайид Абдуллохон ўлдирилганда, Муҳаммад Ниёз бе ёвмутлар қўлига асир тушган бўлиб 5,5 ойдан бери улар қўлида эди. Сайид Абдуллохондан сўнг Хивада хонлик тахтига Қутлуқ Муродхон чиққан эди. Асир тушган Муҳаммад Ниёз бе бу курашлардан фойдаланиб, ёвмутлар ёрдамида Хива хонлигини қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бу даврда Хива хони туркманлардан енгилган бўлиб, Қутлуқ Мурод энди уларга элчи юбориб, сулҳ тузиш масаласини ўртага ташлаган эди. Ана шу пайтдан фойдаланган Муҳаммад Ниёз бе, туркманлар билан биргаликда тил бириктириб сулҳ тузиш ниқоби остида Хива хони саройига келади. Унинг асосий мақсади хонни ўл-

дириб, Хива тахтини эгаллаш эди. Унинг бу фикрини туркманларга берган куйидаги ваъдасидан аниглаш мумкин:

«... Тарокима муфсидларига ваъда эттиким, агар сизларнинг савобид ва имдодингиз билан салтанат амри менга етушса, даст музд ва хизматона учун уч кун муддатигача шахр улусининг асбоб ва нуқуд, амвол ва шёсин горат ва торож кулурға рухсат берурман, балки барча ишда сизларни соҳиб ихтиёр қилурман».

Ўз шахсий манфаатини кўзлаган Муҳаммад Ниёз бе тахтни эгаллаш учун охириги пастликкача етиб борди. Халқ аҳволи билан ҳеч қандай ҳисоблашмай, уларни талон-торож бўлишларига рози бўлди ва бошчилик қилмоқчи бўлди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Ниёз бе сулҳ тузиш ниқоби остида ўзига яқин туркманлар билан биргаликда Хивага келиб, Кутлуқ Муродхонни ханжар уриб ўлдирди.

Шу билан биз Хива хонларидан уч хонни бирин-кетини туркманлар тарафидан ўлдирилганлигини кўрдик. Бу бир тасодифий ҳол бўлмай, балки Хива хонларининг туркманларни бўйсундириш учун мунтазам равишда улар дустига юриш қилиб, эккан экинларини поймол қилдириб, хўрлашларига чидаёлмаган халқнинг уларга нисбатан берган жавоби эди.

Бундай курашлар кейинчалик Хива тахтига келган Сайид Муҳаммадхон (1856—1865), Муҳаммад Раҳимхон (1865—1890) даврида ҳам давом этган.

Юқорида келтирилган мисоллардан, хонлиқнинг ичида феодаллар орасида тож-тахт, мол-мулк учун тўхтовсиз давом этган курашлар ва Хива хони ва феодаллари билан унга қўшни халқлар ўртасида авж олган курашлар, хоннинг қўшни халқларга нисбатан тутган босқинчилик сиёсати аниқ кўриниб турибди.

Огаҳийнинг бу қўлзма тарихий асарларининг бундай масалаларни ҳар тарафлама ёритишда аҳамияти каттадир.

Тўхтовсиз давом этган курашлар мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига ва тараққиётига ўз таъсирини кўрсатар эди.

Огаҳийнинг бу асарларида 1813—1872 йилгача Хива хонлигида бўлган сиёсий ҳаётни тасвирловчи маълумотлар жуда кўпдир. Биз юқорида Огаҳий асарларида берилган шу даврнинг сиёсий аҳволи, Хива хонларининг

тутган сиёсати ва у даврда яшаган халқ аҳволи ҳақида баъзи бир маълумотларни келтириб ўтдик. Бу келтирилган маълумотлар асосида, юқорида зикр этилган даврда Хива хонлигининг ўзида яшовчи ва унга қўшни халқларнинг қандай шароитда умр кечирганликларини тасаввур эта оламиз.

Шунингдек, Огаҳий асарларида яна жуда кўп қимматли маълумотларни учратамиз. Улар Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари ва бу хонликка яқин турган бошқа мамлакатлар билан бўлган савдо ва дипломатик муносабатлари, хонликдаги ер эгаллиги масаласи, халқлардан ва савдогарлардан олинадиган ҳар хил солиқлар, хонликдаги мавжуд мансаблар, у даврда яшаган олим ва шоирлар, Хива хонлиги территориясида яшовчи ва унга қўшни халқлар, тоифалар, уруғлар, Хоразмдаги суғориш ишлари, янги ерларни ўзлаштириш, каналлар қазниш, хонлик территориясидаги дарёлар, шаҳарлар, саҳролар, кўллар ҳақида географик маълумотлар, деҳқончилик ишлари ва бошқа кўпгина масалалар ҳақида ажойиб материаллар учратамиз.

Бу ерда юқорида айтиб ўтилган масалалар бўйича Огаҳий асарларида келтирилган материаллар ҳақида батафсил тўхтаб ўтиш имкониятига эга эмасмиз. Улардан баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Проф. Я. Ф. Фуломов ўз асарида ҳақиқатда ҳам Хоразм иқтисодий ҳаётининг айниқса суғориш ишларига бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб, «Хоразм каби асосий фаровонлиги суғорма деҳқончилик қилиш билан боғлиқ бўлган мамлакатда ирригацияга ғамхўрлик қилиш давлат иши эди»<sup>32</sup> деб ёзади. Янги каналлар ўтказиш, суғориладиган ерларни кенгайтириш, янги ерлар ўзлаштириш, суғориш ишларини кенгайтириш каби масалалар хонлиқнинг сиёсий мавқеъини ва иқтисодий ҳаётини белгилашда асосий факторлардан бири бўлган. Огаҳийнинг юқорида зикр этилган асарларида бу масала юзасидан ҳам кўп маълумотлар учрайди. Огаҳий асарларида кўрсатилишича, XIX асрда Хоразмда бу соҳада анча ишлар қилинган. Янги каналлар ўтказилган, баъзи эски каналлар қайтадан қурилган. Ерлар ўзлаштирилган: Хива хонлари туркман, қорақалпоқ халқларини.

<sup>32</sup> Я. Ф. Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача, Тошкент, 1959 йил, 13-бет.

Хуросонда яшовчи баъзи бир тоифаларни Хоразм атрофига кўчириб келганлар ва дарёлар ва каналлар атрофидан уларга жой тайин этганлар. Проф. Я. Ф. Ғуломов ўз асаридида Огаҳийнинг бу масала юзасидан тарихий асарларида берилган маълумотлардан кенг фойдаланган ва муфассал равишда тўхтаб ўтган.

Шунингдек, Огаҳий асарларида Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Россия ва бошқа мамлакатлар билан қилган дипломатик ва савдо муносабатларига доир маълумотлар ҳам жуда кўпдир. Асарларнинг баъзи ерларида деярлик ҳар йили элчилар келиб, элчилар юборилганлиги ҳақида гапирилади. Масалан, «Жомий-ул-воқиоти султоний» асаридида маълумотлардан баъзиларини олиб кўрайлик. Муҳаммад Аминхон ўзининг «хоразмшоҳлиг аврангига жулус изҳори учун атроф ва жавонибдаги вилоятларга элчилар ирсол қилдилар. Ул жумладин... Эшмурод ранс била... Оллоберди сўфини 1262/ 1845—1846 рабиъ-ал-аввал ойининг тўртида якшанба куни Бухоро вилоятининг подшоҳи... Амир Насруллога... ирсол қилди». «Бухоро подшоҳи Амир Насруллонинг... қўшиб юборган икки элчиси келиб остон бўслиг шарафин топди. Мазкур бўлгон ойининг 23 да шанба куни ҳамул элчиларга... Бикиш халифани сафорат расми била қўшиб, Бухорога ирсол қилдилар. Жумодил аввал ойининг 13 да жума куни... Абдулҳалим... Хўқанд вилоятидан келган элчига сафорат тариқаси била ҳамроҳ бўлиб, мазкур вилоятга бормиш эрди, ҳамул вилоят ҳокимининг қўшиб юборган элчиси била келиб, якжиҳатлик изҳори учун топшурғон муҳаббатномасин... еткурди. Жумодияс сонийнинг авоситида Машҳад ҳокими Оллоёрхонким... Эрон мулкининг подшоҳи Муҳаммад шоҳ тарафидан иеббатан жамиъ Хуросон вилоятининг ҳокими ҳукмронидур... юборган элчиси келиб... келтурган ихлосномасин назари кимё асар мутўлиаси шарафига мушарраф қилди». «Ҳамул йил шаввол ойининг 11 да чаҳоршанба куни баъзи масолихи мулкия жиҳатидин... Шукрилла оға била... Қиличжон бойни элчи қилиб урус мамлакатининг подшоҳига ирсол қилди». Лабатта, бу ерда биз ҳамма юборилган элчиларни ном-баним келтириб ўтолмаймиз. Огаҳий асарларидан қайси йили, қайси куни кимлар Бухоро, Қўқон хонликларида ёки Россия давлатидан ва Хуросон вилоятидан элчи тариқасида келганлари ва уларга кимларни қўшиб элчи

тариқасида у мамлакатларга юборилганлиги батафсил ёзиб қолдирилгандир. Оллоқулихоннинг (1825—1843), Раҳимқулихоннинг (1843—1846), Муҳаммад Аминхоннинг (1846—1855), Сайид Муҳаммадхоннинг (1856—1865) ва Муҳаммад Раҳимхоннинг (1865—1872) йилгача даврида бўлган дипломатик алоқалар, Огаҳийнинг номлари кўрсатилган асарларида маълум ўринни эгаллаётди. Лекин шунга айтиб ўтиш керакки, Огаҳий қайси мамлакатдан кимлар, қайси йили ва қайси куни келганлиги ҳақида гапирса-да, уларнинг нима мақсадда келганлиги, қандай масалалар билан қизиққанлиги ва нима масала устида суҳбат қилганлиги ҳақида ҳеч нарса демайди.

Огаҳий асарларида Хоразмда феодал ер эгаллигига оид бўлган маълумотларни ҳам учратамиз. Феодализм даврида иқтисодий ҳаётда асосий масалалардан бири ерга эгалик бўлганлиги учун, бу масала алоҳида аҳамиятга эга. Хоразмда XIX асрда энг катта феодал ва ер эгаси хоннинг ўзи эди. Бутун хонликка тегишли ерлар унинг ихтиёридагина бўлиб қолмай, балки хоннинг деярлик хонлиқнинг ҳамма марказий шаҳарларида ўзига хос ерлари ва боғлари бўлган.

Хон ва феодалларга тегишли баъзи ерлар, уларнинг ота-бобаларидан мерос сифатида қолган бўлиб, асрлар давомида наслдан-наслга ўтиб келганлар.

Ўрта Осиёда айниқса XIX аср Хива хонлигидаги ерга эгалик деган масалани ёритишда Огаҳий асарлари жуда катта аҳамиятга эга. Унинг асарларида бу масалани ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли маълумотлар келтирилади.

Огаҳийнинг кўрсатишича, Сайид Муҳаммадхоннинг Гандумқон мавзуида ўзига хос ери ва боғи бўлган. Бу ер ва боғ Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825) даврида қурилган бўлиб, у ўлгандан сўнг ўғли Раҳмонқули иноққа, ундан сўнг унинг ўғли Мусо тўра ихтиёрига ўтган. Ундан фарзанд қолмаганлиги туфайли, Сайид Муҳаммадхон «мулки холисе» қилиб ўз ихтиёрига олган. Огаҳий асарларида хонларнинг қайси шаҳарларда ерлари ва боғлари борлиги ҳақида маълумот келтирилса-да, лекин у ерларнинг қанча эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Лекин асарларда келтирилган шеърларнинг мазмунига ва у ерда ҳар турли меваларнинг бўлишига

қилинади, бу боз ва ерларнинг жайдоми анча катта бўлиб, суғориштириш ерларнинг энг катти қисми бўлган.

Огаҳий ўз асарларида XIX асрда Хива хонлигининг дашноқи бўлган андешларга гапирар экан, йўл-йўлаккай қилларга ботиши бўлган ерлар ва боғлар ҳақида ҳам гапирди. Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида қўрсатишича, Сайид Мухаммаднинг Хива атрофида жойлашган маълик территориясида (Гандуков, Ангарик, Чиланшай, Ёши ери, Шамамант, Овборлона) боғлар ва ерлар бўлган. Бу ерлар, асосан, хонлиқнинг марказий қисмига жойлашган бўлиб, давлатчилик учун қўлай ва унумдор ерлар бўлган. Хонликка тегишли ерлардан ташқари хоннинг шахсий ахтарида шунчалик кўп миқдорда ерларнинг бўлиши, унинг энг катта феодал ер эгаси маълиқнинг аниқ кўрсатади.

Шунингдек, Огаҳий «Жомля-ул-воқоти султони» номи асарида ҳам Мухаммад Амиконовга тегишли бўлган ерлар ва боғлар ҳақида гапирди.

Мухаммад Амиконовнинг «Безма махсуси учун нонт тавабаро биле бина қилгайлар, Амниг иморатига лойиқ... маъна фикр ва даъа қилиб, ўзининг мулки махсусаси ва хайтан тасарруфидаги боғи даркушосини... тайин этиди».

1865. (1846—1847) йили Мухаммад Амиконов Қўдиз Ўрғани ва Қўдиз Ваширга бораб, Шарқаровиқ дарёсини боғлашиб, эриқларни зағдариб, муқамм бўлган ерларга сув чиқариб, ассар боғчаларига у ерлардан жой ажратиб қайтиб келди. Мухаммад Амиконов у тарафга келтирилган ариқларга жойларга бўлиб ўтди. «Шоқ обод маърузидаги... ул ҳазратнинг мулки холисидур»... «Намжанабба қизи... Қелич Нисабобий олми маърузидаги... Ҳазратнинг амлоқи хоссаидавидир» ва «Қора маърузининг тарб тарафидаги... ул ҳазратнинг муамаллақан хоссаидадур музура қилди».

Огаҳийнинг бошқа асарларида ҳам шу сингари маълумотлар келтирилган. Хива тарихисин Огаҳий бу хонга тегишли ерларни ҳар хил «мулки холис», «мулки хурри холис», «мулки хосса», «амлоқи хосса», «мулки махсусаси» номилари билан атайдик.

Шунингдек, Огаҳийнинг «Жомля-ул-воқоти султони» асарида ҳам шунингдек, Огаҳий асарларининг XIX аср Хива хонлиги территориясида яшаган халқлар, тоифалар, уруғлар тарихини ўрганишда ва шу даврда хонликда мавжуд бўлган ҳар хил мансабларни ўрганишда ҳам аҳамияти

М. И. Иўлдошев «Хива хонлиги» Сайид Мухаммад-хон Хива хонлиги (1857—1865) Ҳақиқий институтга востоковедения АН СССР, № 3, 1967, том VI, 27-бет.

чи бўлиб, Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида берилган маълумотлар асосида XIX асрда Ўрта Осиёда ерга эгаллик масаласини ёритишга ҳаракат қилган.

Бу масалага ўз эътиборини жалб этган олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси М. И. Иўлдошевдир. М. И. Иўлдошев ўз асарида ҳозирда мавжуд бўлган Хива хонлигининг<sup>10</sup> архиви материаллари асосида бу масалани батафсил равишда ёратгандир.

Хива хонлигининг ҳаётида асосий масалалардан бири солиқ масаласи эди. Бу масалани ёритишда ва ўрганишда ҳам Огаҳий асарлари анча ёрдам беради. Биз Огаҳий асарлари билан танишар эканмиз, Хива хонлигида халқдан ва савдогарлардан қандай солиқлар олинганини, уларни халқдан йиғиб олиш йўллари, солиқ йиғиб олиш учун қайси шаҳар ва қишлоқларга қимларни тайин этилганлигини, қайси жойлардан қандай солиқлар олинганлигини, хон тарафидан солиқ йиғиш учун юборилган вакилларнинг халқ томонидан ўлдирилганлигини кўрамиз.

Огаҳий ўз асарларида Хива хонлигининг бирор бир халқ устига қўлган юришини гапирар экан, унинг қайси шаҳар, қишлоқ, дарё, кўл, маърузалардан ўтганлигини батафсил гапирди. Шу билан ўз асарида жуда кўп географик маълумотлар келтиради.

Асарларда келтирилишича, XIX асрда Хива хонлиги территориясида анчагина боғлар, саройлар, мадрасалар, масжидлар ва янги ўзлаштирилган ерларда қалалар қурилганлиги маълум бўлади. Хонлиқдаги қурилиш ишларини баён этишда ҳам, шунингдек, Хива хонлиги территориясида ва баъзан ундан четда бўлган шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, каналлар, арналар қудуқлар қўллар, қумзорлар, саҳролар ҳақида географик маълумотларни баён этишда Огаҳий асарларининг қиммати каттадир.

Шунингдек, Огаҳий асарларининг XIX аср Хива хонлиги территориясида яшаган халқлар, тоифалар, уруғлар тарихини ўрганишда ва шу даврда хонликда мавжуд бўлган ҳар хил мансабларни ўрганишда ҳам аҳамияти

М. И. Иўлдошев, Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши, Тошкент, 1969.

катта бўлиб, бу масалалар бўйича анчагина тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Шундай қилиб, Огаҳийнинг юқорида зикр этилган кўп масалаларни атрофлича қамраб олган бу тарихий асарларнинг XIX аср Урта Осиё халқлари тарихини, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда аҳамияти каттадир.

Огаҳий ана шундай илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий асарлар ижод эта олган ажойиб тарихчидир. Огаҳийнинг Урта Осиё халқлари тарихига доир ўзбек тилида қатор оригинал тарихий асарлар яратиш соҳасидаги буюк хизмати диққатга сазовор ва ўрганишга лойиқдир.

Урта Осиё, айниқса Хива хонлиги тарихи ҳақида Огаҳий томонидан яратилган бу бебаҳо асарлар ҳали тарихчиларимиз томонидан етарли даражада ўрганилган эмас. Шарқшунос олимлардан П. П. Иванов Огаҳийнинг бу тарихий асарлари билан танишгандан сўнг бундай деб ёзган эди: «Мунис ва Огаҳий асарлари қанчалик катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, ҳозиргача илмий адабиётда етарли даражада акс этдирилган эмас». «Ҳозирги вақтда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган СССР халқлари тарихи ва, шу жумладан, Совет Урта Осиёси халқларининг тарихини ўрганиш вазифаси, совет шарқшунослари олдига қўлёзма манбалар устида илмий текшириш ишлари олиб бориш масаласини қўяди. Бу қўлёзма манбалар ичида Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган Хива тарихига оид манбалар, шубҳасиз, алоҳида ўринни эгаллайди»<sup>35</sup>.

Огаҳий тарафидан юксак маҳорат билан ижод этилган бу қимматли қўлёзма манбаларни нашр этиш ва улар ҳақида алоҳида илмий асарлар яратиш олимларимиз олдида турган шарафли вазифалардандир.

#### МУҲИМ ТУЗАТИШЛАР

Бет	қ а т о р		Босилган	Ўқилиши керак
	пастдан	юқоридан		
3	—	18	Замхашарий	Замхашарий
13	—	4	балгай	бўлгай
15	—	20	таржиги	таржима
24	—	4	кечирилган	кўчирилган
26	—	7	асарларининг	асарининг
27	—	19	Амирханьянцга	Амирханьянц
32	—	17	муъжал	муъжам
33	5	—	Истерия	История
38	5	—	(1805—1825)	(1805—1825)
38	1	—	(865—1910)	(1865—1910)
41	—	17	кўп	кўп
42	19	—	Ҳазорасмин	Ҳазорасмин
44	—	16	кўп	кўп

К заказу 920

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётининг босмахонаси Хоразм кучаси, 9. Тошкент. Заказ 920. Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.

<sup>35</sup> П. П. Иванов, Хивинские хроники XIX в. Мунис-Агеи как источник по истории туркмен, (Материалы по истории туркмен и Туркмени). М.—Л., 1938, 27—28-бетлар.